

ISSN 2181-9521

№ 11-son, 2019



ODILLIK MEZONI


ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИННИГ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ ОЧИЛДИ



2019 йил 22 ноябрь куни Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида Ахборот-ресурс марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Таdbирда Судьялар олий кенгаши аъзолари, Олий суд судьялари, юридик таълим муассасалари мутасаддилари, халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Судьялар олий мактабининг Ахборот-ресурс маркази АҚШ Халқаро тараққиёт дастури (USAID) ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигига ташкил этилди.

Марказ 20 ортиқ энг замонавий компьютер, масофадан туриб керакли маълумотларни олиш ва бошқа ахборот ресурс марказлари сайtlariiga уланиш имкониятига эга бўлган ускуналар билан жиҳозланган. Улар Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонанинг электрон ресурс марказига уланган ва миллий кутубхонанинг электрон фондидаги адабиётлардан фойдаланиш имконияти яратилган.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ташкилот ва муассасалар ўзининг фаолияти очиқлигини, шаффоғлигини таъминлаши, кенг жамоатчиликка холис ва ҳаққоний ахборотни ўз вақтида етказиб бориши лозимлиги устувор вазифалардан бирига айланди.

Шу мақсадда Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастурининг (БМТ ТД) “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳа-

си доирасида Судьялар олий мактаби учун веб-сайт яратилди ва Интернет тармоғида – sudyalarolymaktabi.uz домени бўйича жойлаштирилди. Бугунги замон талаблари даражасида ишлаб чиқилган расмий веб-сайтда Олий мактаб фаолияти билан боғлиқ барча зарур саҳифалар жойлаштирилган. Ушбу саҳифаларда Судьялар олий мактаби фаолиятига оид сўнгти янгиликлар, ўтказиладиган тадбирлар ва бошқа кўплаб ахборотлар мунтазам жойлаштирилиб борилади.

Мазкур сайт барча замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради, фойдаланувчилар учун сайтнинг барча бўлимлари ва бўлимостиларига тез ва осон кириш учун сайтнинг бош саҳифасида маҳсус тугма жойлаштирилган.

Бундан ташқари, ушбу сайт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли қарори билан тасдиқланган давлат органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларга риоя этилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Зоро, китоб халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат түйгуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб Ахборот-ресурс марказида кутубхона ҳам ташкил этилди.

Жуда кўплаб ҳуқуқий, илмий, тарихий, бадиий ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара намуналари жамланган китоблардан иборат кутубхона фондини шакллантиришда Судьялар олий мактаби тингловчилари учун зарур бўлган адабиётларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир якунида иштирокчилар Ахборот-ресурс маркази билан яқиндан таништирилди.



«ODILLIK MEZONI»
илмий-амалий,
хуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби

Хамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ
Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДОРОВ
Акмал МУРОДОВ
Икром МУСЛИМОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруф ТАЖИБОЕВ

Бош муҳаррир
Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир
Шахбоз САЙДОВ

Саҳифаловчи дизайнер
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билин юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй

Электрон манзил:
odillikmezoni2019@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-ракам билан
кайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материалардан фойдаланилганда, манба қайд
етилиши керак.

Босишига 29.11.2019 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ

Буюртма № 12

Адади 1800

Баҳоси келишилган нархда

«Aldin-group» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.

Босмахона манзили: 100027, Тошкент
شاҳри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-йй

МУНДАРИЖА

Кун мавзузи



**Демократик сайловдан
демократия мактабига
йўл**

6-бет

Умумлаштириш

**Транспорт воситаларини
маст ҳолда бошқариш
билин боғлиқ суд
амалиёти:
муаммо ва ечим**



11-бет

Мутахассис мулоҳазаси



**Ишни судга қадар
юритиш устидан суд
назоратининг зарурати**

15-бет

Мозидан садо

**Усмон
розияллоҳу анҳу:
Қозилик тизими
ва баъзи фиқҳий
ижтиҳодлар**



19-бет

Тафсилот



**«Судга жабрланиб
келган аёлни
унданда оғир
жабрлантириб
юбормаслик керак»**

21-бет

Хориж тажрибаси



25-бет

Тадқиқот

27-бет

Жиной таъқиб функциясининг шаклланиш босқичлари

Қиёсий таҳлил

31-бет

Битимлар тушунчаси, турлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ибрат

35-бет

Низомулмулкнинг қозилар хақидаги қарашлари

Эксперт фикри

36-бет

Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарликка карши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жихатлари

Мухим мавзу

41-бет

Оила, жамият ва тараққиёт



45-бет

Суд очерки



Киссавур “фаришта”лар

Важная тема

47-бет

Проблемы определения правовой природы органов судейского сообщества в Республике Узбекистан

Процесс

50-бет

Китайский опыт по подготовке кадров и повышению квалификации судей

Судебная реформа

52-бет

Правовые особенности признания и исполнения решений иностранных судов и арбитражей в Республике Узбекистан

The fight against human trafficking

56-бет

Criminal justice response to human trafficking: uzbekistan's experience and current challenges

Professional skills

60-бет

Judicial Culture



Этироф

62-бет

У ҳар қандай ҳолатда ҳам виждонига карши бормади, ҳақ гапни айтди





**Абдуманноб
РАХИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди
котибият мудири,
юридик фанлар номзоди.

“Демократия қаердан бошланади – парламентдан бошланади.
“Парламент – демократия мактаби”, деймиз. Шундай экан, миллий
парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак.”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

*Парламентни шакллантириш тартиби, унинг ҳуқуқий асослари,
парламент палаталари ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши ва
уларнинг ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб қўйилиши парламент-
ни самарали фолият юритишига ва том маънодаги демократия мак-
таби вазифасини ўташига хизмат қилиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам
ҳар бир давлат ўзининг вакиллик органини шакллантириш жараёнига
демократик усул ва тамоилларни тобора чуқурроқ сингдириб бориши-
га ҳаракат қилиши лозим. Чунки, дунё тажрибасида мамлакат парла-
ментини шакллантиришининг ягона универсал модели мавжуд эмас.*

Парламент атамаси лугавий маънода “сўзламок” (французча “parler”) сўзидан олинган бўлиб, “сўзлаш” ёки “сўзлаш жойи” маъноларини билдиради. Сиёсий-хуқуқий маънода эса қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи органни англатади¹. Профессор З.М.Исломовнинг таъкидлашича, замонавий парламент – ҳалқ вакиллиги олий органи бўлиб, у ҳалқ ҳоҳиш-иродасини ифодалайди, энг муҳим ижтимоий муносабатларни асосан қонунлар қабул қилиш йўли билан тартибга солади, ижро этувчи ҳокимият органлари ва юқори мансабдор шахслар фаолиятини назорат қиласди².

Таъкидлаш жоизки, парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидағи аҳамияти ва унинг тузилиши жиҳатидан мақбул моделларини асослашга қаратилган тадқиқотлар билан боғлиқ масалалар ҳанузгача илмий баҳс ва мунозаралар обьекти сифатида ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Юридик адабиётларда “парламентаризм” атамасига турли хил таърифлар берилган. Чунончи, энг кенг тарқалган таърифга кўра, “парламентаризм – давлат ҳокимиятини ташкил этиш, унинг тузилишига ва вазифаларига кўра, ҳокимиятни тақсимлаш (бўлиниш) ва қонун устуворлиги принципларига асосланган, парламент ижтимоийadolat муносабатларини ва

хуқуқий тартиботни ўрнатиш борасида етакчи роль ўйнайдиган алоҳида тизим ҳисоблашади”³.

С.А.Авакъяннинг фикрича, парламентаризмнинг асосий белгилари – вакиллик, депутатларнинг ҳақ тўланадиган доимий фаолияти, уларнинг маълум ижтимоий мақомга эгалиги, шунингдек, вакиллик муассасасининг муайян фаолият доираси (қонунлар қабул қилиш, солиқ тизимини жорий этиш ва давлат бюджетини тасдиқлаш, ички ва ташқи сиёсатга таъсир кўрсатиш, бир қатор давлат органларини шакллантириш, парламент назорати вазифаларини бажариш), унинг маълум иш шакллари, услуг ва усулларидан иборат⁴.

2004 йилдан ўз фаолиятини икки палатали шаклда бошлаган миллий парламентимиз мақоми, ваколатлари доираси, унинг палаталарини шакллантириш тартиби, қолаверса номланиши билан аввалги бир палатали парламентни шакллантириш тартибидан жиддий тарзда фарқ қиласди.

Икки палатали парламент шаклига ўтган Олий Мажлиснинг қуи палатаси “Қонунчилик палатаси” юқори палатаси эса Сенат деб номланди. Албатта, қуи палатани “Қонунчилик палатаси” деб номланишида бу палатанинг бевосита қонунчилик фаолияти билан шугулланиши, унинг қонун

ижодкорлиги соҳасида устувор аҳамиятга эга экани, доимий равишда фаолият кўрсатиши ҳамда профессионал аъзолардан иборат таркибда шаклланиши каби омиллар ҳам хизмат қилган. Олий Мажлиснинг юқори палатасини “Сенат”, деб номланиши дунё амалиётидан келиб чиқкан, десак хато бўлмайди. Чунки, давлатнинг олий қонун чиқарувчи ҳокимиятининг юқори палатаси аксарият давлатларда Сенат деб номланади. “Сенат” атамаси лотинча “senatus” сўзидан келиб чиқкан бўлиб, “оқсоқол” маъносини англатади. Бу бежиз эмас, албатта, қадимги ижтимоий тузумда ҳокимият айнан “оқсоқоллар”га тегишли бўлгани ва ушбу тушунча аста сенинлик билан лотин тилига “senatus” шаклида кириб келиши билан боғлиқ. Бу атама қадимги Римда эрамиздан аввалги VI асрдан бошлаб кўлланила бошланган⁵.

2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил тараққиётининг янги даври, юксалиш босқичига кирди. Мамлакат тараққиётининг янги даври ва унинг ҳукуқий асоси энг аввало давлат раҳбари ташабbusи билан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилди.

Ушбу Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришни назарда тутади. Ушбу йўналиш “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси қоидаларини ўзида тўлиқ акс эттирган бўлиб, бунда энг аввало демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Албатта, кучли парламент ва уни мамлакатни модернизация қилишдаги ролини кучайтириш энг аввало уни шакллантиришдан бошланади, десак муболага бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган илк Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш вазифасини кун тартибида қўйди.

Дунёдаги мавжуд 50 дан ортиқ мамлакатларнинг сайлов кодеслари ва қонунларини ўрганиш ва сайловга доир 10 дан ортиқ халқаро ҳужжатларни таҳлил этиш натижасида тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 2019 йил 25 июнда қабул қилинди⁶.

Сайлов кодексининг қабул қилиниши билан амалда шу вақтга қадар сайлов тизими-



ни тартибга солиб келган 5 та яхлит қонунлар ва уларга ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутган 21 та қонун ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 40 га яқин қонуности ҳужжатлари ўз кучини йўқотди. Шунинг ўзи ҳам Сайлов кодексини қабул қилиниши соҳани тартибга солишига қаратилган қонунлар самарадорлигини оширишга беқиёс хизмат қилиши шубҳасиз эканлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида эътироф этиш ўринли бўладики, Сайлов кодексида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг ўзига хос хусусиятлари ва Сенатини шакллантириш тартибида кўра, улар бир-бираидан тубдан фарқ қиласи, деб айтишга асос бўлади. Факат бунинг ўзи эмас. Уларнинг фаолияти ва ваколатлари доирасида ҳам жиддий фарқлар бор.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси беш йил мuddатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат. Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўпартиявийлик асосида сайланади. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади. Сенат эса, ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширип овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Айни пайтда палаталар ўртасидаги фарқлар уларни шакллантириш тартиби билан чегараланмайди, балки палаталарнинг ички тузилмаларини шакллантиришда ҳам намоён бўлади.

Маълумки, Қонунчилик палатаси ўз фаолияти ва ваколатига кирадиган масалаларни самарали ташкил этиш мақсадида раҳбар ва ишчи органларини тузади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринbosарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринbosарларини сайлайди⁷.

Қонунчилик палатасининг Спикери сайловдан кейинги биринчи мажлисда Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенатнинг шакллантириш тартибига назар солайлик. Таъкидланганидек, Олий Мажлис Сенати худудий вакиллик органи сифатида намоён бўлади. Юқори палатанинг бу хусусияти уни шакллантиришда ҳам яққол кўзга ташланади.

Олий Мажлис Сенати икки погонали сайловлар асосида шакллантирилади. Маълумки, бундай сайловлар жаҳон парламентаризми тажрибасида кўп учрайдиган холат бўлиб, бу усул асосан худудий вакилликка асосланган палаталарни шакллантиришда кўлланилади.

Бинобарин, юқори палатани шакллантириш – Олий Мажлис Сенатида тегишлича вакилликни таъминлаш ва унинг фаолиятини ташкил этишининг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаш жоиз. Сенатни

шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, бир томондан, сайлов ҳуқуқининг конституциявий тамойилларини жорий этишдан иборат бўлса, иккинчи томондан, худудлар вакиллигининг энг тажрибали ва обрў-эътиборли номзодлари орасидан муносабларини танлаб олишдир.

Сенат аъзоларининг сайлови Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар маҳаллий Кенгашларининг кўшма мажлисини чақириш Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади. Кўшма мажлис, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Келинг, Сенатни шакллантириш тартибига алоҳида тўхталиб ўтсак. Чунки, Сенат фуқаролар томонидан шакллантирилмайди. Яъни, Сенат аъзоларини фуқаролар бевосита сайламайди. Лекин, парламент юқори палатаси ҳам вакиллик органи ҳисобланади. Ва, у ҳам халқ номидан фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14-боби “Сенатни шакллантириш тартиби”га бағишланган. Унга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, маҳаллий Кенгашларга сайлов якунлари эълон қилинганидан (ҳаммага маълум қилинганидан) кейин уч кунлик муддатда Сенат аъзоларини сайлаш учун кўшма мажлислар ўтказилишини эълон қиласди. Марказий сайлов комиссиясининг кўшма мажлисларни ўтказиш санаси, вақти ҳамда жойи кўрсатилган қарори оммавий ахборот воситаларида, шунингдек унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади (ҳаммага маълум қилинади). Кўшма мажлисни Марказий сайлов комиссияси аъзоси очиб, энг обрўли, тажрибали, катта ёшли депутатлар орасидан мажлисга раислик қилувчи тўғрисида таклиф киритади. Кўшма мажлиснинг ишини олиб бориш учун очиқ овоз бериш орқали уч кишидан беш кишигача миқдорда ишчи ҳайъат сайланади, шунингдек тушган таклифларни ҳисобга олиш ва қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштириш учун уч кишидан иборат Котибият тузилади.

Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш кўшма мажлисда амалга оширилади.

Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш учун раислик қилувчининг тақдимномасига биноан очиқ овоз бериш орқали оддий



кўпчилик овоз билан Маслаҳат кенгаши сайланади. Маслаҳат кенгаши катта тажрибага эга бўлган энг обрўли, катта ёшли депутатлар орасидан, қоида тариқасида, ҳар бир маҳаллий Кенгашдан биттадан вакил сайланади. Маслаҳат кенгаши ўз раисини сайлайди.

Маслаҳат кенгаши фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлар орасидан Сенат аъзолигига номзодларни кўрсатади ҳамда сайлов бюллетенига киритиш учун таклиф киритади. Номзодларнинг алоҳида-алоҳида эшитуви ва муҳокамаси натижаларига кўра қўшма мажлисда уларни сайлов бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қўшма мажлисда иштирок этажтган депутатларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган Сенат аъзолигига номзод сайлов бюллетенига киритилган ҳисобланади. Сайлов бюллетенига олти нафардан кам бўлмаган Сенат аъзолигига номзодлар киритилади.

Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш учун қўшма мажлисда иштирок этажтган депутатлар орасидан тўқиз нафаргача аъзодан, шу жумладан комиссия раиси ва котибдан иборат таркибда Саноқ комиссияси сайланади.

Саноқ комиссияси: Сенат аъзолигига сайлов бўйича овоз беришни ташкил этади ва ўтказади; қўшма мажлис иштирокчиларига яширин овоз беришни ўтказиш вақти, жойи ва тартибини эълон қиласи; сайлов бюллетенларини уларга Сенат аъзолигига ҳар бир номзоднинг туғилган йилини кўрсатган ҳолда, фамилияси, исми ва отасининг исмини алифбо тартибида киритиш орқали тайёрлайди; овоз берувчilarнинг рўйхатини аниқлаштиради, уларга сайлов бюллетенларини топширади; сайлов бюллетенининг юз томонига муҳр қўяди ва унда Саноқ комиссиясининг камида икки нафар аъзосининг имзоси қўйилган бўлишини таъминлайди; овозларни санаб чиқади ва яширин овоз бериш натижалари тўғрисида баённома тузади; яширин овоз бериш натижаларини қўшма мажлисга тасдиқлаш учун киритиади.

Яширин овоз бериш бошланишидан олдин Саноқ комиссияси раиси уни ўтказиш тартибини эълон қиласи, комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини текширади ва бир маротаба ишлатиладиган пломбалар билан пломбалайди. Сайлов қутиси овоз берувчи унинг ёнига албатта яширин овоз



бериш кабинаси ёки хонаси орқали ўтиб борадиган қилиб ўрнатилади.

Қўшма мажлисда иштирок этажтган депутат Саноқ комиссияси аъзосига ўз шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчilar рўйхатига имзо қўяди, шундан кейин унга сайлов бюллетени топширилади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида ўзи ёқлаб овоз бераётган Сенат аъзолигига номзодларнинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «×» ёхуд «х» белгисини қўйиш орқали тўлдирилади.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини кўринарли жойда туриши керак бўлган сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени овоз берувчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин.

Яширин овоз бериш жараёни тугаганидан кейин фойдаланилмаган, шунингдек бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари хисобга олиниши, бекор қилиниши лозим (чап томондаги юқори бурчакни қиркиб қўйиш орқали) ва алоҳида сақланади.

Овозларни санаб чиқиш Саноқ комиссияси аъзолари томонидан яширин овоз бериш натижалари аниқлангунига қадар та-наффусиз ўтказилади.

Сайлов қутисидаги сайлов бюллетенлари асосида Саноқ комиссияси:

овоз беришда иштирок этган депутатларнинг умумий сонини;

Сенат аъзолигига ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

Овоз берувчилар томонидан сайлов бюллетенлариға қўшимча равишида ёзб қўйилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари, овоз бериш чорига битта ҳам квадратга «+» ёки «×» ёхуд «х» белгиси қўйилмаган сайлов бюллетенлари, шунингдек юз томонида муҳр ва Саноқ комиссияси аъзоларининг имзоси бўлмаган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Яширин овоз бериш натижалари бўйича баённома тузилади, баённома Саноқ комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Баённоманинг қаламда тўлдирилишига ва унга бирон-бир тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти қўшма мажлисда ҳозир бўлган маҳаллий Кенгашлар депутатларининг эллик фоизидан кўпроғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши институтининг жорий қилингани биздаги Сенат таркиби шакллантирилишининг ўзига хослигини кўрсатади.

Қонунчилик палатасида бўлгани каби Сенат ҳам ўз фаолияти ва унинг ваколатига кирадиган масалаларни самарали ташкил этиш мақсадида ўзининг раҳбар ва ишли органдарини тузади. Олий Мажлис Сенати Раислигига ва унинг ўринbosарлигига номзодлар эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сенаторлар орасидан тақдим этилади⁸. Сенат раҳбар органларни бундай тартибда шакллантириш услуби дунё парламентларининг тажрибасида мавжуд бўлиб, унинг моҳияти Сенат аъзолари асосан ҳудудлар вакиллигидан ташкил топганлигига, десак тўғри бўлади.

Ўтган йилларда Ўзбекистонда парламентни шакллантиришнинг ҳукукий асосларини яратиш ва демократик сайловлар ўтказиш бўйича катта тажриба тўпланди. Энг муҳими, мамлакатимизда “икки палатали парламентни шакллантиришда, биринчидан, тарихий миллий давлатчилик ва

истиқлол йилларида қонунчилик соҳасида тўпланган тажрибага; иккинчидан, парламентаризм соҳасидаги ҳалқаро андозалар ва тажрибаларга; учинчидан, илгор чет давлатлар парламентлари тажрибаси ва қонунчилик амалиёти⁹га таянилгани унинг бугунги муваффакиятли фаолиятини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисini шакллантириш куйидаги асосий принципларга асосланади:

халқ вакиллиги принципи (қуийи палата сайловларни умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуки асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши); ҳудудлар манфаатларини эътиборга олиш принципи (юқори палата аъзоларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланиши); палаталар таркибини вақти-вақти билан бўлиб ўтадиган сайловлар орқали янгитдан шакллантирилиши принципи; сиёсий хилма-хиллик ва кўп partiyaийлик принципи.

Ушбу принциплар асосида Ўзбекистонда парламентнинг икки палатали шаклини танланиши мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимиятининг самарали фаолият юритишни таъминлаш баробарида миллий сайлов қонунчилигимизни мунтазам равишида такомиллаштириб борилишига ҳам хизмат қилди. Чунки, том маънодаги демократия парламентга умумий, тенг ва тўғридан-тўғри бўлиб ўтадиган сайловларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Юридик энциклопедия / Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджикхановнинг умумий таҳририда. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б.365
2. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – Б.111.
3. Қаранг: Парламентское право России. / Под ред. И.М.Степанова, Т.Я.Хабриевой.М.: Юристъ, 1999. С.5.
4. Қаранг: Авақъян С.А. Федеральное собрание – Парламент России. М.: 1999. С.26-29.
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Сенат>
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил, 26-сон, 467-модда
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.30.
8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда.
9. Сайдов А.Х. Парламент ислоҳоти: ўзбек модели. / Ҳаёт ва қонун. 2002. № 2. Б.5.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ МАСТ ХОЛДА БОШҚАРИШ БИЛАН БОГЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ: МУАММО ВА ЕЧИМ



**ODILLIK
MEZONI**
EQUITY-MEDIATED JUSTICE

Nilufar ДАДАБАЕВА,

Судьялар олий мактабининг

Суд амалиёти муаммоларини
ўрганиши маркази бош мутахассиси.

Статистик маълумотларга кўра 2019 йилнинг 1 чораги давомида маъмурий судлар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (кейинги ўринларда МЖтК деб юритилади)нинг 131-моддаси бўйича 8028 та иш 8166 нафар шахсга нисбатан кўриб тамомланган. Жами кўриб тамомланган 7873 та иш бўйича 8009 нафар шахсга нисбатан жазо қўлланилган. Шундан 619 нафар шахсга нисбатан транспорт воситасини бошқариш хукуқидан маҳрум қилиш, 1100 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамоқ, 6290 нафар шахсга нисбатан 29 434 937 815 сўм жарима ҳамда 5389 нафар шахсга нисбатан жарима жазоси билан биргалиқда транспорт воситасини бошқариш хукуқидан маҳрум қилиш жазолари ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 136-моддаси бўйича 1040 та иш 1041 нафар шахсга нисбатан кўриб тамомланган. Жами кўриб тамомланган 1016 та иш бўйича 1017 нафар шахсга нисбатан жазо қўлланилган. Шундан 175 нафар шахсга нисбатан транспорт воситасини бошқариш хукуқидан маҳрум қилиш, 96 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамоқ, 746 нафар шахсга нисбатан 2 185 327 463 сўм жарима ҳамда 625 нафар шахсга нисбатан жарима жазоси билан биргалиқда транспорт воситасини бошқариш хукуқидан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, судлар Ўзбекистон Республикаси

МЖтКнинг 131,136-моддаларида назарда тутилган хукуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқишида айrim камчиликларга йўл кўймоқда.

Ички ишлар органи томонидан судга тақдим этилаётган маъмурий иш материалларининг тўғри расмийлаштирилганлигига судлар томонидан эътибор берилмасдан ишларни кўриб чиқиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Хусусан, маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённома ички ишлар органи ходими томонидан тўлиқ тўлдирилмаяпти. Баённоманинг ҳайдовчиллик гувоҳномаси, ҳайдовчиллик гувоҳномаси талони, сугурта полиси, транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, транспорт воситаси кимга тегишлилиги, хукуқбузарнинг шахсини тасдиқловчи хужжат ҳақидаги маълумотлар устунлари тўлдирилмасдан баённома судга юборилаётган бўлса-да, судлар ишларни мазмунан кўриб чиқмоқда. Бундан ташқари, айrim ишларда маъмурий иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 311-моддасида белгиланган муддатларда хукуқбузарга юборилганлигини ёки тилхат билан топширилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айrim ҳолларда судлар томонидан қайд этилган қонун ҳужжатлари нормалари амалиётда нотўғри кўлланилмоқда.





Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш чоғида МЖтКнинг 281- ва 282-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилганилиги аниқланса, судья маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс)га маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қайташи лозим.

Ю.М. 2018 йил 15 декабрь куни соат 20:10лар атрофида “Дамас” русумли автомашинани ёритиш чироқларидан нотўғри фойдаланиб, тегишли ҳужжатларсиз, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарib кетаётганида ЙХХБ ходимлари томонидан тұхтатилган. Ҳуқуқбузар Ю.М.га нисбатан йўл ҳаракати қоидалари бузилганилиги ҳақида UZ-18-серияли 90-833275-рақамли баённома расмийлаштирилган. Ҳуқуқбузарнинг спиртли ичимлик истеъмол қилганилиги юзасидан туман тиббиёт бирлашмасининг 50661-сонли тиббий-текширув баённомаси расмийлаштирилган.

Туман ИИБ ЙХХБ томонидан маъмурий иш материаллари туман маъмурий судига кўриб чиқиш учун юборилган.

Маъмурий иш суд томонидан 2019 йил 17 январда кўриб чиқилиб, Ю.М. га МЖтКнинг 128-моддаси 1-қисми, 131-моддаси 1-қисми ва 135-моддаси 1-қисми билан МЖтКнинг 34-моддаси тартибида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга маҳрум

этиш ва энг кам иш ҳақининг 25 (йигирма беш) баравари миқдорида, яъни 4.054.600 (тўрт миллион эллик тўрт минг олти юз) сўм жарима жазоси тайинланган.

Бироқ, суд ишни кўриб чиқишда маъмурий иш ҳужжатларида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириши мавжуд эмаслигига эътибор қаратмаган.

МЖтК 303¹-моддасига мувофиқ маъмурий иш мазкур органга (мансабдор шахсга) тааллуқли бўлмаган (судловига тегишли бўлмаган) ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари ушбу Кодекснинг 281- ва 282-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда юборилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган органга (мансабдор шахсга) қайтарилади.

МЖтК 282-моддасининг иккинчи қисмига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага қўйидагилар илова қилинади:

- 1) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси;
- 2) ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси;
- 3) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириши;
- 4) жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг холосаси, агар улар мавжуд бўлса;
- 5) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материаллар.

Худди шундай хатоликка 2019 йил 17 январь куни кўриб чиқилган ҳуқуқбузар Э.Б.га оид иш бўйича туман маъмурий судининг раиси томонидан ҳам йўл қўйилган.

Суд маст ҳолатда транспорт воситасини бошқарган ҳуқуқбузарга нисбатан МЖтКнинг 33-моддасини қўллаган ҳолда қўшимча жазо чорасини қўлламасликни қарорининг баён қисмida асослантириши лозим.

Ю.Р. 2018 йил 13 октябрь куни соат 23:00 лар атрофида “MALIBU” русумли автомашинани йўл ҳаракати қоидаларининг

7.11-бандларини қўпол равища бузиб, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатларсиз, спиртли ичимлик таъсиридан маст ҳолда бошқариб кетаётганида вилоят Ички ишлар бошқармасининг ЙҲҲБ ходимлари томонидан тұхтатилган. Ҳайдовчига тиббий кўрикдан ўтиш таклиф қилинганда тиббий кўрикдан ўтишдан бosh тортган. Натижада йўл ҳаракати қоидалари бузилғанлиги ҳақидаги баённома расмийлаштирилган.

Маъмурий иш суд томонидан 2019 йил 10 январда кўриб чиқилиб, ҳуқуқбузар Ю.Р. МЖтКнинг 135-моддаси 1-қисми, 136-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилган. Ҳуқуқбузар Р.Ю.га МЖтК 135-моддасининг 1-қисми билан энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисми миқдорида, яъни 92.150 (тўқсон икки минг бир юз эллик) сўм жарима тайинланган. МЖтК 136-моддасининг 1-қисми билан МЖтКнинг 33-моддасини кўллаб энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида, яъни 5.529.000 сўм (беш миллион беш юз йигирма тўққиз минг) жарима тайинланган.

МЖтКнинг 34-моддаси тартибида ҳуқуқбузар Ю.Р.га нисбатан узил-кесил оғирроқ жазо, яъни энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида, яъни 5.529.000 сўм (беш миллион беш юз йигирма тўққиз минг) сўм жарима тайинланган.

МЖтК 136-моддасининг 1-қисми санкциясида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима назарда тутилган бўлсада, суд бундай ҳолатда ҳуқуқбузар Ю.Р.га нисбатан МЖтК 136-моддасининг 1-қисми билан МЖтКнинг 33-моддасини кўллаган ҳолда қонун санкциясида назарда тутилган жарима миқдоридан ҳам кўп миқдорда энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида, яъни 5.529.000 сўм (беш миллион беш юз йигирма тўққиз минг) сўм жарима тайинлаб хатоликка йўл қўйган.

МЖтКнинг 28-моддаси иккинчи бандига асосан ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмаслиги, мазкур Кодекс 128³-моддасининг бешинчи қисмida, 128⁴-моддасининг учинчи қисмida, 131-моддасининг биринчи қисмida, 136-моддасининг биринчи қисмida назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар соидир этилган ҳоллар бундан мустасно эканлиги қайд этилган.



Шунингдек, Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартиби со-лувчи қонунларни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида” ги 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли қарорининг 20-бандига мувофиқ “Судларга тушунтирилсинки МЖтК 33-моддасини қўллашда, суд қонун санкциясида назарда тутилган қўшимча жазони қўлла-маслика ҳақли бўлиб, бу қарорининг баён қисмida асослантирилиши лозим”лиги белгиланган.

Ваҳоланки, МЖтКнинг 33-моддасида суд маъмурий жазо чорасини қўллаётгандана жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий ахволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, мазкур Кодекснинг Maxsus қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган қўшимча жазони қўлла-маслиги мумкин.

Шундай хатоликка 2019 йил 6 март куни кўриб чиқилган ҳуқуқбузар X.М.га оид иш бўйича туман маъмурий суди томонидан йўл қўйилган.

Алкоголли ичимлиқдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширганлик учун ҳам қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган.

Н.Д. 2019 йил 8 февраль куни соат 21:50 лар атрофида фуқаро А.Х.га тегишли “Нексия” русумли автомашинани йўл ҳаракати қоидаларининг 12-банди талабини қўпол равища бузиб, шаҳар ҳудудида транспорт воситасининг эгаси йўқлигига ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатла-

ри (ишончнома) га эга бўлмасдан, спиртли ичимлик таъсиридан маст ҳолда бошқариб кетаётганида вилоят Ички ишлар бошқармасининг ЙХХБ ходимлари томонидан тұхтатилган. Ҳукуқбузар Н.Д.га нисбатан йўл ҳаракати қоидалари бузилғанлиги ҳақида баённома тузилган. Ҳукуқбузарнинг спиртли ичимлик истеъмол қилғанлиги юзасидан 504-сонли тиббий-кўрик баённомаси расмийлаштирилган.

Маъмурий иш суд томонидан 2019 йил 21 февралда кўриб чиқилиб, ҳукуқбузар Н.Д. МЖтКнинг 131-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб энг кам иш ҳақининг 25 (йигирма беш) баравари миқдорида, яъни 5.068.250 (беш миллион олтмиш саккиз минг икки юз эллик) сўм жарима ҳамда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳукуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суд ҳукуқбузар Н.Д.нинг транспорт воситасининг эгаси йўқлигига ундан фойдаланиш ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатлари (ишончнома) га эга бўлмасдан, спиртли ичимлик таъсиридан маст ҳолда фуқаро А.Х. га тегишли “Нексия” русумли автомашинани бошқарган бўлсада, А.Х.нинг ҳаракатларига Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 131-моддаси 3-қисми, яъни алкоголи ичимлиқдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш, шунингдек, МЖтКнинг 135-моддаси 2-қисми, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳукуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришнинг топширилиши аломатлари бор ёки йўқлигига ҳукуқий баҳо бермасдан хатоликка йўл қўйган.



СУД АМАЛИЁТИНИ УМУМЛАШТИРИШ НАТИЖАЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР:

► Маъмурий ишлар кўришишида моддий ва процессуал қонун нормаларига ҳамда Олий суд Пленуми қарорларининг тушунтиришиларига қатъий амал қилиши;

► Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишига тайёрлаш човида МЖтКнинг 281- ва 282-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилғанлиги аниқланса, судья маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузган ёки маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш қўзгатиши ҳақида қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс)га маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни қайтарши;

► суд маст ҳолатда транспорт воситасини бошқарган ҳукуқбузарга нисбатан МЖтКнинг 33-моддасини қўллаган ҳолда қўшимча жазо чорасини қўлламасликни қарорининг баён қисмида асослантириши;

► алкоголи ичимлиқдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришини топширганлик учун ҳам жавобгарлиллик тортши;

► суд транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган шахс (ҳукуқбузар)га нисбатан маъмурий жазо қўлланниши ҳақида чиқарган қарорини шу ҳукуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият ётиборига етказиш;

► суд томонидан ҳукуқбузарга нисбатан маъмурий камоққа олиш жазоси қўлланилганда, суд қарорининг асослантирувчи қисмида бундай жазо чорасини қўллашига сабаб бўлган ҳолатларни кўрсатиши шарт;

► суд қарорининг нусхаси уч кун ичида шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади. Қарорининг нусхаси тилхат билан берилади, башарти қарорининг нусхаси жўнатилса, бу ҳақда ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилиши керак;

► ҳисобот даврида ҳукуқбузарлик кўрсаткичлари орган ишларни кўришига алоҳида ётибор қаратиб, бу тоифадаги ишлар бўйича профилактика тадбирларига жиiddий ётибор қаратиш;

► ишларни ўз вақтида кўришишини таъминлаб, кўриши муддатларини асоссиз бузии ҳолларига чек қўйиш чораларини кўриш;

► қўйи инстанция судларининг қарорларини апелляция ва кассация тартибида ўрганилиши амалиётига ётиборни кучайтириб, ишларни ҳар томонлама атрофлича текширишишини таъминлаган ҳолда суд хатоларини ўз ўрнида бартараф этиб бориш;

► суд қарорларини процессуал қонунчиллик талаблари асосида сифатли тарзда, стилистика, орфография ва грамматика қоидаларига риоя қилинган ҳолда тузилиши устидан назоратни кучайтириб, бу борада ҳудудларга бирютирилган вилоят суди судъяларининг фаолияти са-марадорлигини ошириш;

► ягона суд амалиёти жорий этиши бўйича Олий суд ва Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 11 октябрда Кўшима кўрсатмасига қатъий амал қилиши шарт.

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИНИНГ ЗАРУРАТИ



ODILLIK
MEZONI

Беҳзод Мўминов,

Судьялар олий мактаби
ўқитувчиси, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори.

АННОТАЦИЯ

Мақолада ишни судга қадар юритиш жараёни устидан суд назоратининг моҳияти ёритилган. Мулоҳазалар натижасида, ишни судга қадар юритиш жараёнида суд назорати предметини кенгайтириши зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: жиноят процесси, суд назорати, ишни судга қадар юритиш, тақомиллаштириши.

АННОТАЦИЯ

В статье описываются сущность судебного надзора над досудебным производством. По результатам рассуждений обоснована необходимость расширения предмета судебного контроля в досудебном производстве.

Ключевые слова: уголовный процесс, судебный контроль, досудебное производство, усовершенствование.

ANNOTATION

Annotation: an article describes the essence of judicial control over prejudicial inquiry. By reasoning substantiated the necessity of broadening judicial control scope on prejudicial inquiry

Keywords: criminal procedure, judicial control, prejudicial inquiry, improvement.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини тақомиллаштириш Концепциясида «Хабеас корпус» институтини қўллаш кўламини, жумладан судгача бўлган босқичда амалга ошириладиган процессуал қарорлар ва ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш институтини жорий этиш орқали кенгайтириш назарда тутилган.

Олий ҳокимият бўлинмайдиган давлатларда, одил судловнинг енгиб бўлмайдиган кучи шундан иборатки, судлар бутун миллатни ифодалайди, хукуқ тушунчасига куч тушунчasi қўшилиб, хукуққа асос бўлиб хизмат қиласди¹.

Хукуқий давлатнинг қўйидаги белгилари ва тамоилларини кўрсатиб ўтиш мумкин: қонун устуворлиги, давлат ва давлат органларининг хукуқ билан алоқадорлиги, демократик хукуқ ва эркинликлар билан боғлиқ барча институтларнинг мавжудлиги, инсон(фуқаролар) хукуқ ва эркинликларини давлат томонидан эълон қилинганини, ҳимоя қилиниши ва кафолатланиши, ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги, давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланганини, давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги².

Хукуқий давлатда инсон ҳукуклари поймол этилишига йўл қўйилмайди. Давлат фуқароларга ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва бузилган ҳукуқларини ҳимоя қилишининг механизmlарини таъминлаши шарт.

Хукуқий давлат куриш мақсадининг амалга оширилиши даражаси давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар қандай асосда шаклланиши, судга бўлган ишонч, яъни қонунсизлик ва зўравонликдан суд орқали ҳимояланишининг ишончлилиги, Конституция ва қонунларда эълон қилинган ҳукуқлардан амалда фойдаланиш имкони борлиги билан ўлчанади.

Ўтган асрнинг 60 йилларидаёқ Herbert L. Packer, одил судловнинг икки модели Due process model(мувофиқ процессуал модель) ва Crime control model (жиноятчиликни назорат қилиш модели) мавжудлигини қайд қилган эди. Бу моделлар ўртасидаги асосий фарқ, унда устувор деб ҳисобланадиган қадрият билан боғлиқ эди.

Crime control model консервативроқ бўлиб, асосий эътиборни жамоат хавфсизлиги ва тартибини сақлашга

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**Комроншоҳ РАСУЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят
суди судья катта ёрдамчиси.**

Мен фаолиятим давомида биринчи марта Судьялар олий кенгаши хузыридаги Судьялар олий мактабида малака ошириш курсида ўқидим. Судьялар билан биргаликда биз суд аппарати ходимларини ўқишига жалб қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Судьялар олий мактабининг икки ҳафталиқ малака ошириш ўкув курси дарс жараёнида устозлардан жуда кўп нарсани ўргандик. Шу қисқа давр ичida Республикализнинг барча вилоятларидан келган жиноят ва маъмурӣ суд аппарати ходимлари бир-бирларимиз билан аҳил-иноқ бўлиб, дўстлашиб кетдик. Энг муҳими, шу давр мобайнида амалий иш тажрибамизни бошқалар билан ўртоқлашдик. Бу эса ўз навбатида одил судловни амалга ошириша ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди деб ўйлайман.

Бизлар Судьялар олий мактабининг икки ҳафталиқ малака ошириш курслари учун белгиланган дарсларни ситқидилдан ўқиб, одимизга улкан вазифалар ва мэрраларни мақсад қилиб, қалбимизда, онгу тафаккури мизда порахўрлик, фирибгарлик каби жиноятларнинг жирканч ботқогига ботмасликни, бундай иллатларни қоралаб, касбимизни севиб, ардоқлаб, ҳалқимизга вижданан ҳалол ва пок хизмат қилишни улкан вазифа деб билдик.

Ўкув курсимиз якунланиш арафасида биз тингловчилар хурматли устозимиз, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Судьялар олий кенгаши раиси Убайдулла Курбонович Мингбоев билан учрашдик.

У киши бизга 53 йиллик иш тажрибасида орттирган ҳаётӣ ўғитларини айтиб берди. Айтишларига қараганда, кўп қийинчиликларни бошидан кечирган, лекин ҳамма қийинчиликларни сабр-бардош билан, ҳалол-пок меҳнат қилиб енгган экан. Устозимизнинг ўғитлари бир умр қулогимда қолади. Ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Ҳалоллик инсонни улуғлаши, юксак мартабага эриштириши Убайдулла Курбоновичнинг ҳаёт ўйлида исботланди.

Ўкув жараёнида олган билим ва кўникмаларимни иш фаолиятимда қўллайман.



қаратади, бунда жиноятчиликни жиловлаш, шахсий эркинликдан устун қўйилади. Ушбу моделда полиция учун далилни қандай йўл билан тўплашнинг аҳамияти йўқ, муҳими натижа, процессуал хукуқларни амалда таъминлаш учун вақт ёки маблағ сарфлашнинг зарурияти йўқ. Индивидуал хукуқларни таъминлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш олдида иккиласи масалага айланади.

Due process model барча учун адолатли ва ҳаққоний одил судлов тизимини назарда тутади, конституциявий хукуқлар бузилишига йўл қўйилмайди. Мазкур моделда суд хатоларнинг олдини олиш учун процесснинг барча босқичлари ва гумон қилинувчининг хукуқлари таъминланиши шарт. Яъни жиноятчиликни жиловлашдан кўра, шахснинг хукуқларини кафолатлаш муҳим ўрин тутади³.

Due process model давлатимизнинг хукуқий давлат қуриш тоғсига тўлиқ мувофиқлигини эътироф этиб, Crime control modelнинг барча элементларидан узил-кесил ва истисносиз воз кечишигина бизни мақсадларимиз сари яқинлаштиради.

Тарихий тажриба, процессуал тартибга солинган суд муҳокамаси низоларни ҳал қилиш ва ҳақиқатни аниқлашнинг мукаммал воситаси эканлигини исботлайди. Бежизга римликлар res judicata pro veritate habetur(суднинг қарори-ҳақиқат) деб эълон қилмаганлар ва бунда натижанинг ҳақиқатлиги эмас, қарорни олиш усули-суд назарда тутилган.

Жиноят процессида ишни судга қадар юритиш жараёни устидан суд назорати механизмларининг яратилмаганлиги жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятлари чегараланишига сабаб бўлганлигини эътироф этиш жоиз.

“Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини ташкил этиш тизимида ҳукуқни қўллаш амалиётида қонунийликни таъминлашга салбий таъсири кўрсатувчи бир қатор ҳал қилинмаган муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб қолмоқда. Айрим хукуқни муҳофаза қилувчи тизим тузилмалири ва давлат бошқаруви органлари орасида функция ва ваколатлар қонун доирасида аниқ белгилаб ва чегаралаб берилмаган, бу эса қонун хужжатлари нормаларини бузиб, ўз билганича хотүгри талқин қилиниши ва қўлланишига йўл қўймасликка қаратилган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали амал қилиш талабларига жавоб бермайди” [3,29].

Маълумки, ҳукуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири мустақил суд ҳокимиятидир. Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа

органлар, мансабдор шахсларининг ҳар қандай файриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қіммати, шахсий әркинлигиге ва мол-мұлкі, бошқа ҳуқуқ ва әркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгаиги белгиланғани ҳам ҳокимият бошқа тармоқларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан суд назоратига бўлган ижтимоий-ҳуқуқий заруратни ифодалайди.

Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш жиноят процессида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва әркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати сифатида жиноят процессида қонунийлик (ЖПК 11-моддаси), шахснинг шаъни ва қадр-қімматини хурмат қилиш (ЖПК 17-моддаси), фуқароларнинг ҳуқуқ ва әркинликларини муҳофаза қилиш (ЖПК 18-моддаси), судда ишларни юритишда тортишув (ЖПК 25-моддаси) каби принциплар амал қилишини таъминлайди ва барча принципларнинг ўзаро алоқаси ва муштараклигини мустаҳкамлайди⁴. Яъни, суд назорати жиноят процессининг бошқа принципларини ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш функциясини бажаради.

Ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилини ўз ичига олади.

Амалдаги ЖПКга мувофиқ, суриштирув ва дастрлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонуниларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади.

Бироқ, судга қадар юритишни бошланишида, кўпгина ҳолларда жиноят ҳақида аризасини қабул қилишни рад қилиш йўли билан жабрланивчининг ҳуқуқлари бузилиши, бошқа томондан гумон қилинувчининг айниқса ушлаб турилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари етарли дараҷада ҳимоя қилинмаганлиги пост-совет жиноят процессининг энг заиф нүкталаридан бири эканлиги кўпчилик томонидан эътироф этилган. Мазкур соҳадаги ислоҳотлар, суд назоратини аксарият ношкора, шу жумладан тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси билан қамраб олинадиган тергов ҳаракатларига татбиқ қилишни ўз ичига олиши зарур. Ўзининг самарасизлигини кўрсатган ишни судга қадар юритиш шаклларидан воз кечиш, самарали ва мустақил суд назорати ҳисобига қопланиши зарурлиги халқаро эксперталар томонидан ҳам эътироф этилган⁵.

Ишни судга қадар юритиш устидан ариза ва шикоятлар салмогининг юқорилиги, ишни судга қадар юритувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги муаммолар процессуал назорат тизимида жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Мазкур ҳолат, ҳаттоқи,

қонун бузилиши аниқланган ҳолда ҳам бузилган ҳуқуқларни тиклаш имконсиз эканлиги сабабли фуқаролар ва ҳимоячиларнинг ҳақли эътиrozига сабаб бўлмоқда.

Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўйилмайди. Давлат фуқароларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг механизмларини таъминлаши шарт.

Ҳуқуқий давлат қуриш мақсадининг амалга оширилиши даражаси давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар қандай асосда шаклланиши, судга бўлган ишонч, яъни қонунсизлик ва зўравонликдан суд орқали ҳимояланишнинг ишончлилиги, Конституция ва қонунларда эълон қилинган ҳуқуқлардан амалда фойдаланиш имкони борлиги билан ўлчанади.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида қонун устуворлигини ва қонунийлик принципини таъминлашда суд назоратининг аҳамияти ва такомиллаштириш истиқболларини тадқик қилиш зарурлигини инкор этиб бўлмайди. Зоро, суд-ҳуқуқ ислоҳотининг бош мақсади, жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш жараёнида инсон ҳуқуқ ва әркинликларини кафолатлаш учун суднинг мавқеини ошириш, унинг қарама-қарши тарафлар ўртасида холис ва бегараз ҳакамлик функциясини таъминлаш, унинг фаолиятидан айловгага тааллуқли ҳар қандай функцияни чиқарив ташлашдан иборат. Жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда суд назорати институтининг киритилиши, судьянинг жиноят процессининг бош кучига айланишига олиб келди, бу эса ўз навбатида жиноят процесси конструкцияси ўзгаришига ва иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига жиддий таъсир кўрсатди.

Демократик жамиятнинг ривожланиш тенденцияларидан бири суд фаолияти доираси шу жумладан давлат органлари ва жамоат бирлашмалари мансабдор шахсларининг қарорлари ва





ҳаракатлари устидан суд назоратининг кенгайишидир. Бу бежиз эмас, сабаби суд тартибида шикоят қилишнинг, маъмурий тартибдан афзалиги шубҳасиз. Бу суднинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши, иккинчидан суд тор идоравий манбаатларга боғлик эмаслиги, суд қонунчилик масаласида профессионал ихтисослашганлиги билан белгиланади.

Айнан жиноий таъқибнинг бошланиш нуқтасида, мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари олдида шахснинг химоясизлигини назарга олиб, А.Ф. Кони, жиноий таъқиб, ҳар томонлама мушоҳада қиласлик учун жуда жиддий масала эканлиги, кейинчалик суд томонидан оқланиш, ҳаттоқи иш судга берилгунга қадар тугатиш ҳам, шахсни жиноят иши бўйича шошилинч ва асоссиз жавобгарликка тортиш натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини тиклай олмаслигини таъкидлаган эди⁶.

Суд назоратининг объектив зарурат эканлигини асословчи фикрларни умумлаштирган ҳолда С.А.Шейфер ҳақли равишда суд назорати процессуал қарорлар қабул қилишда субъективизмга чек қўйиш имконини бериши ва жиноят ишларини юритишда шахс ҳукуқлари кафолати бўлиб хизмат қилишини таъкидлаган эди⁷.

Н.Н.Ковтуннинг фикрига кўра, суд назорати суд ҳокимиятининг жиноят процессида шахс ҳукуқларини асоссиз ва ноқонуний чеклашга йўл қўймаслик, ушбу ҳукуқларни тиклашга қаратилган конституциявий функциясини амалга оширишга қаратилган мустақил восита, аниқроғи процессуал қонунчиликда кўзда тутилган воситалар тизимиdir⁸.

Суд назоратининг самарали ва тўлақонли механизmlари яратилмаганлиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 27-моддасида белгиланган процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳукуқи, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасида белгиланган суд химоясида бўлиш, ҳукуқ ва эркинликларни чекловчи, шунингдек одил судловга эришишга тўқсинглик

қилувчи қарор ва ҳаракатлар устидан судга шикоят қилишнинг таъсиридан механизмлари мавжуд эмаслиги одил судловни амалга оширишга тўқсинглик қиласди.

Суриштирувчи ва терговчиларнинг айблов тенденциясидан тўлиқ халос бўлмаганлиги ва айрим тергов ҳаракатларини суд муҳокамаси жараёнида қайта ўтказишнинг имконсизлиги ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратининг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ишни судга қадар юритиш жараёнида қонун бузилиши ҳолатларига барҳам берилиши, айбизз кишини жавобгарликка тортиш, далилларни сохталаштириш каби ҳолатларнинг олдини олади, бузилган ҳукуқларни ўз вақтида тикланишини таъминлайди. Сабаби жиноят процессуал қонун нормалари бузилишини суд муҳокамаси жараёнида аниқланиши, айниқса процессуал мажбурлов чораларини қонунга хилоф равишда қўллаш билан боғлик ҳолларда бузилган ҳукуқларни тикланишини қўйинлаштиради.


Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси 415¹-моддасига мувофиқ, суриштирувнинг, дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслигини ёки жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилишларини бартараф этиш суд муҳокамаси жараёнида суд томонидан амалга оширилиши, ишни судга қадар юритиш жараёнида суд назорати орқали қонунийликни таъминлаш ва жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилишларини ўз вақтида бартараф этишни талаб қиласди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, суд назоратининг асосий функцияси ишни судга қадар юритиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳукуқ ва эркинликларини кафолатлашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А. де Токвиль. Демократия в Америке URL: <http://www.civisbook.ru/files/File/Tokville.Democracy.1.pdf> стр. 227
2. Ҳуқуқшунослик: Дарслик //Х.Т.Маматовнинг таҳрири остида.- Тошкент: Адолат, 2016.-21 б.
3. Packer, H. (1964). Two models of the criminal process.University of Pennsylvania Law Review, 113(1)
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ф.А.Абдумажидов. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 56-бет
5. Предложения по концепции совершенствования системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан. file:///C:/Users/User/Desktop/Материал2/UNODC_Crim_Justice_Uzb_Background_Paper_June_2018_RU.pdf
6. Кони А.Ф. Приемы и задачи прокуратуры. Собр. соч. в 8 томах. Т.4, М., 1967. С. 171
7. Шейфер С.А. Следственные действия. Основания, процессуальный порядок и доказательственное значение. Самара, 2004. с.13
8. См.: Ковтун Н.Н. Судебный контроль в уголовном судопроизводстве России. – Н. Новгород: Нижегородская правовая академия, 2002. – С. 14.

УСМОН РОЗИЯЛЛОХУ АНХУ: ҚОЗИЛИК ТИЗИМИ ВА БАЪЗИ ФИҚХИЙ ИЖТИҲОДЛАР



Қозилик тизими

Усмон Зуннурайн даври Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларига яқин ва деярли уланиб кетган давр бўлгани учун рошид – энг тўғри йўлдаги зотлар яшаган даврнинг бир бўлгаги саналади. Ушбу даврда бошқа барча ишлар қатори қозиликка оид ишлар ҳам Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қандай юритилган бўлса, шу ҳолида давом этди, у зотнинг даврларида собит бўлган барча нарсаларга тўла ва мукаммал риоя этилди, уларни тўлалигича ҳаётга татбиқ этилди. Рошидлар даврида қозиликка доир ишларда асосан икки жиҳатга аҳамият қаратилганди:

а) Қозилик ва ҳукм чиқариш ишларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларидағи (оят-ҳадис асосидаги) далилларга қатъий амал қилиш ва фақат ўшаларга итоат қилиш ва уларни лозим тутишда давом этиш;

б) Кенгайиб бораётган ислом давлати устунларини мустаҳкамлаш учун ва янги

чиқиб келаётган муаммоларга ечим топиш учун қозиликка оид янги тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиши.

Умар Форуқ аввало Аллоҳнинг тавфиқи, қолаверса ўзининг бетакрор даҳоси ва заковати билан исломий давлатнинг қозилик тизимини ривожлантиришга ва бу соҳага доир маълум тартиб-қоидалар ишлаб чиқилишига эришган эди. Рошид халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху қозиларни тайин қилиш, уларга маошлар белгилаш, уларнинг қозилик ихтисосларини белгилаш, қазо ва ҳукмларнинг манбалари, қозилар суюниши лозим бўлган далиллар, қозиларга вожиб бўладиган ишлар борасида улардан фойдаланди.

Усмон розияллоҳу анху халифалик мансабига келган пайтда Мадинада Али ибн Абу Толиб, Зайд ибн Собит ва Соиб ибн Язид розияллоҳу анхум қозилик қилиб туришарди. Баъзи тадқиқотчилар зикр қилишларича, Усмон бу қозилардан ҳеч бирига Умар даврида бўлганидек, қазо ва ажрим ишларида мустақил равишда узил-кесил ҳукм чиқариш ҳаққини қолдирмади. Ҳар бир қазо ва ажрим ишини ўзи диққат билан кузатар, ҳукм чиқаришда мазкур қозилардан ва бошқа саҳобалардан маслаҳат оларди. Бу дегани Усмон розияллоҳу анху мазкур уч қозини истеъфога чиқарганини ва уларни



ўзига маслаҳатчилар сифатида қолдирганини англатади. Баъзилар эса Усмон уларни қозиликдан бўшатгани ҳақида очик далил келмаганини айтишган. Бу борада келган ривоятлар маъноси шунга далолат қиласдики, Усмон розияллоҳу анху Умар розияллоҳу анхунинг Мадинадаги қозиларини ўз ўринларида қолдирган, лекин кўпгина катта масалаларни қараб чиқиш ва уларда узил-кесил ҳукм чиқариш масъулиятини улардан кўтарган ва уларни маслаҳатчилар сифатида қолдирган. Бу борада келган ривоятларнинг қарама-қаршилиги шундай хуносча чиқаришимизга асос бўлади.

Байҳақий “Сунан”да ва Вакеъ “Ахборул кузот”да Абдураҳмон ибн Саиддан ривоят қиладилар. У бобосидан шундай эшитганини айтади: “Усмон ибн Аффон масжидда ўтирганида унинг ҳузурига икки киши жанжаллашиб келди. Бирига: “Бор, Алини чақириб кел”, деди. Бошқасига: “Бор, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ва Абдураҳмонни чақириб кел”, деди. Чақирилганлар ҳаммаси етиб келишгач, Усмон ҳалиги иккаласига: “Қани, энди гапиринглар”, деди. Кейин буларга юзланиб: “Нима маслаҳат берасизлар?”, деб сўради”. Агар маслаҳатчилари билан фикрлари бир жойдан чиқса, ҳукмни эълон қиласди, бир фикрга келолмасалар, ишни қайтадан кўриб чиқарди. Усмон ибн Аффон то умрининг охиригача ҳам Мадинага хос қози тайин қилгани маълум эмас.

“Тарихи Табарий”да Усмон розияллоҳу анхунинг ишлари ҳақида сўз юритилган ўринда шундай келган: Ўша кунлари Зайд ибн Собит Усмоннинг қозилик ишларини бажараарди. Бундан келиб чиқадики, Усмон Зайдни қозилик лавозимида қолдирган ва хусуматларни ажрим қилишига изн берган.

Юқорида келган икки маълумотни шундай жамлаш мумкинки, Усмон розияллоҳу анху Мадина қозиларига баъзи даъво ишларини ажрим қилиш ишини қолдирган, каттароқ муаммоли масалалар ажрими ни бошқа саҳобалар ва шу жумладан, ўша қозилар маслаҳати билан ечишга ўзи бошқош бўлган (“Ан-нузум ал-исломия” (1/378)). Баъзида Усмон розияллоҳу анху ўлкаларга қозилар тайин қиласди, Каъб ибн Сурни Басрага қози этиб тайинлагани каби. Баъзида эса қозилик ишини ҳам волий зиммасига юкларди. Масалан, Яъло ибн Умайя Санъонинг волийси ва қозиси саналарди (“Асрул хилофатиррошида” (143-бет)).

Ибн Умар қозиликка узр айтади

Усмон розияллоҳу анху Ибн Умар розияллоҳу анхумони қозилик мансабига таклиф қилганида у: “Мен икки киши ўртасида ҳам қозилик қилмайман, икки кишига ҳам имом бўлмайман. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Ким Аллоҳ номи билан паноҳ сўраса, энг яхши паноҳ берувчидан паноҳ сўрабди”, деганларини эшитганмисиз?”, деди. “Ха, эшитганман”, деди Усмон. “Ундан бўлса, менга мансаб беришингиздан Аллоҳдан паноҳ сўрайман”, деди. Шундан сўнг Усмон унга рухсат берди ва бу гапни ҳеч кимга айтмаслигини тайинлади (Имом Аҳмад, “Муснад” (475)).



Қозихона (Дорулқазо)

Баъзи тарих китобларида биринчи бўлиб Усмон розияллоҳу анху қозихона ташкил қилгани айтилади. Ибн Асокир Аббос розияллоҳу анхунинг мавлоси Абу Солихдан ривоят қилиб, келтиради: “Аббос мени Усмонни чақириб келгани юборди. Мен уни чақиргани қозихонага бордим”. Агар бу хабар саҳиҳ бўлса, Усмон розияллоҳу анху ислом тарихида биринчи бўлиб қозихона (дорулқазо) ташкил қилган бўлади. Ундан олдинги икки халифа қозилик ишларини масжидда адо этишарди.

Усмон халифалиги давридаги энг машҳур қозилар

Зайд ибн Собит (Мадина), Абу Дардо (Дамашк), Каъб ибн Сур (Басра), Абу Мусо Ашъарий (Басра волийлигига қўшимча), Шурайх (Кўфа), Яъло ибн Умайя (Яман), Сумома (Санъо), Усмон ибн Қайс ибн Абул Ос (Миср).

ТАФСИЛОТ

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби етакчи хорижий давлатлардаги судьяларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга ихтисослашган таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Жорий йил Олий мактабнинг педагог-ходимлари АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Венгрия каби мамлакатларга юборилди. Шунингдек, Олий мактабга АҚШ, Шотландия, Словения каби давлатларнинг судьялари ва шу соҳадаги малакали мутахассислари таклиф этилиб, улар судьяларни ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича тажрибаси билан ўртоқлашди, Олий мактаб профессор-ўқитувчилари ҳамда ходимлари билан тренинг машгулотларни ўтказди.

«СУДЬЯЛАР ОДИЛЛИГИНИ, УЛАРНИНГ ОЧИҚ ВА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН, УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ МУҲИМ»



— Шундай тадбирлардан бири Судьялар олий мактабида Канада миллий судлов институтининг фахрий судьялари Адель Кент, Брайн Леникс ҳамда институтнинг халқаро алоқалар гурӯҳи директори Брэнда Купер иштирокида бўлиб ўтди, — **дейди Судьялар олий мактаби доценти в.б. Умид Сайдахмедов.** — Дарс давомида бизни қизиқтирган жиҳатлардан бири бу Канадада судьянинг ишни кўриб чиқиш жараёнида вақт чегарасининг тартибга солинганлиги ёки механизмларнинг мавжудлиги бўлди. Жиноят, фуқаролик, маъмурий ёки иктисадий ишларда тарафлар бир неча соатлаб ўзининг эътирозларини билдиришга ҳақли ва бу қонунчилигимизда таъқиқланмаган. Канадада эса, шундай амалиёт шаклланган, яъни тарафлар ёки уларнинг вакиллари судьянинг ортиқча вактини олмаслик учун томонларнинг адвокати, ҳуқуқшуноси ёки ишончли вакили билан судда кўриладиган энг асосий масалалар ҳақида келишиб олишар экан. Бизда айрим ҳолатларда та-

рафлар билдирилган талабга эътиrozини айтиш учун ички ҳолатга боғлиқ бўлмаган бир неча ўнлаб ортиқча фактларни келтиради. Бу эса суд жараёнининг вақтини чўзади ва ўз-ўзидан навбатдаги ишларни ҳам кейинга суради. Тўгри, судда тортишув принципи бор, лекин вактнинг ҳам белгиланиши бу ўзига яраша мөъёр, десак бўлади. Бу нарса судья билан келишилмайди, чунки, холислик йўқолиши мумкин. Лекин хорижий тажрибада шу нарса борки, тарафларнинг вакиллари прокурор ва адвокат судья билан томонлар ечолмай турган у ёки бу масалани муҳокама қилиши мумкин.

Канада миллий судлов институтида 3-5 кунлик қисқа ҳамда 10 кунлик катта курслар ташкил этилган экан. Айтайлик, касб этикаси уч кунга белгиланган бўлса, айнан шу бўйича дарслар турли йўналишлар бўйича эмас танлаб олинган мавзу бўйича олиб борилиши, судьяни билим ва кўникмасини янада чуқурлаштириб олишига имкон беради. Олий мактабда икки ҳафталик курслар-

да бир неча мавзуларни ўтадиган бўлсак, тингловчи касб этикаси, вақтни бошқариш, етакчилик қобилиятлари нималигини тўлиқ тушунмай қолиши мумкин. Агар бир мавзу чуқур ўтилса, уларда айнан шу билимлар бўйича кўпроқ тасаввур пайдо бўлади ва кейинги дарсни бошлаганимизда олдингиси ёдидан чиқиб кетмайди.

Канадалик ҳамкасларимиз судьяларнинг малакасини оширишда ҳамда қайта тайёрлашда ўтиладиган мавзуларни танлаб олишга ҳам алоҳида ургу қаратар экан. Ушбу тажриба бўйича биз судьяларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб мавзуларни танлашимиз зарур. Мисол учун, иқтисодий судларда банкротлик ёки корпоратив ва бошқа тоифадаги ишлар бўйича у ёки бу судьяларни музаммолар пайдо бўлаётган бўлса, айнан шу судьяларни ўқитишимиз талаб этилади. Натижада келгусида худди шундай низолар бўйича ишларнинг адолатли ҳамда сифатли кўрилишига эришилиб, иш юзасидан шикоят ёки норозилик бўлган тақдирда ҳам юқори инстанциялар томонидан кўриб чиқилганда бекор қилинмаслиги, ўзгартирилмаслигининг олдини олган бўлар эдик.

Канадада судьяларнинг малакасини оширишда суд жараёнларини турли ҳолатларда тасвирга ёзib олинган видеолардан фойдаланиш йўлга қўйилган экан. Бунда судьянинг суд залига кириб чиқиши, ўзини тутиши, тарафларга иш ҳолатидан ҳамда тақдим этилган далилларга асосан бераётган саволига жавоби, яъни, унинг суд жараёнини олиб бориш ҳолатидан тасвирлар бўлажак судьялар билан бирга муҳокама қилиниши судъяда касб этикасини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Масалан, бир тараф суддан доим норози. Судьянинг суд жараёнини амалга оширишга халақит бераётган томоннинг хатти-ҳаракатларига қандай чора кўради, жарима берадими ёки

мулоқотга киришиб тинчлантирадими? Шу билан бир қаторда, Канадада ҳамкасларимизнинг касбий маҳоратини ошириш йўлида суд жараёнларининг овозли ёзувларидан ҳам фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги ўзига хос жиҳатлардан биридир.

Бундан ташқари, тренингда судьянинг етакчилик, судья ва суд ходимларининг фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг вакиллари билан ўзаро мулоқот кўникмалари ҳамда руҳий жиҳатдан издан чиқкан ҳолатида қандай қилиб ўзини бошқаришга қаратилган машғулотлар бўлиб ўтди.

Хорижлик мутахассислар семинарда бир қанча саволлар қўйиши. Масалан, суд раисининг ходимлари билан бўлган муносабатини олайлик. Унинг малакали бир мутахассиси бор, лекин у доимий ишга кеч қолади. Уни ҳайдаб юбораман, деса туманда, қишлоқларда ундей мутахассис йўқ. Балки, у мендан бошқасини тополмайди, деб эйфорияда юргандир. Ундан шу ҳисни чиқариб, мажбуриятини тўлиқ бажартириш учун нима қилиш керак? Ёки бошқа бир ходими ҳар куни иш вақтидан ташқари спиртли ичимлик истеъмол қилади. Кўчада у ҳақида судья ичаркан, деб ёмон гаплар юради. Лекин у ҳеч кимга озор бермайди. Ичади, тинчгина уйига кетади. Раҳбар шу ходимни қандай қилиб ҳаётга қайтаради?

Яна бир ҳолат судья ҳақида ижтимоий тармоқда у ёки бу нарсалар чиқиб кетмоқда. Ёзган одамни тухмат қилди, деб жиноят иши кўзғатадими ёки унга тушунарли қилиб жавоб хати йўллайдими? Мана шундай ҳолатларни Канада ўз тажрибасидан ўтказган ва бу мамлакат мутахассислари айнан шу каби билимларини биз билан ўртоқлашишди. Энг асосий мақсадимиз бу фуқаролар орасида судга бўлган ишончни оширишdir. Чунки, низони ҳал қилиб берадиган энг охирги жой бу — суд. Қонуний ва адолатли суд хужжатларини қабул қилиш эса судьянинг инсонийлигига ва билимига боғлиқ.

— Хозир бутун дунёда суд тизими соҳасида судьялар одиллигини, уларнинг очик ва самарали фаолиятини таъминлаш учун узлуксиз таълим ниҳоятда муҳим, деган хуласага келинмоқда, — **дейди Канада миллий судлов институтининг фахрий судьяси Адель КЕНТ**. — Айнан шу нуқтаи назардан судьялар фақатгина олийгоҳни битиргандан кейин эмас балки улар ишлаётган вақтда ҳам доимий билим ва кўникмаларини такомиллаштириб бориш учун узлуксиз таълим тизимини жорий этиш лозим. Дарс давомида сиз ва бизнинг таълим тизимимизда бир қатор ўхшашликларни кўрдим. Хусусан, Ка-



надада судья бўлиш учун талаборнинг судланмаганлиги, тозалиги, обрўйи, тиришқоқ ҳамда ҳар бир ишни пухта бажарадиган тарбияли инсонлиги, жамиятнинг ичидаган ва оддий инсонларни ҳам тушуна олиши ҳисобга олинади. Бундан ташқари Канадада хилма-хил миллат вакиллари истиқомат қилишади. Шу сабабли ҳам бизнинг судьяларимиз турли миллат табақаларига мансублиги мақсадга мувофиқ.

— Адель Кент хоним, рухсат берсангиз сизга бир нечта саволларимиз бор, айтингчи, судьяларга таълим берадигандага нималарга катта эътибор қаратасизлар?

— Институтимизда биз ўқитишни уч хил ўлчамга бўлиб олганмиз. Мана шу хусусиятлардан бири — суд жараёнида иштирок этадиган одамлар билан ҳамма тушунадиган тилда муносабатда бўлиш қобилиятидир. Шунингдек, аҳлоқий ҳолатларни аниқлай олиш, ҳукмларни одамлар тушуна оладиган тилда ёзиш хусусиятига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Тайёрлов курсимизда энг муҳимларидан биттаси бу жинсий тенгликдир. Тарихан аёллар эркаклар билан тенг хуқуқли бўлмаган ва улар баъзи ҳолларда жинсий зўровонликлар курбони бўлишган. Шунинг учун биз судьяларни тайёрлашда келгусида улар оиласиб алоқалар ишини кўраётганида бўлиб ўтган динамик ҳолатларни ҳисобга олишга ва жабрланганларнинг руҳий ҳолатини тушунишига катта эътибор берамиз.

— Суд жараёнларини ёзиб олиниши ҳақида?

— Канадада суд жараёнларидаги судья, айбланувчи ва бошқалар ўртасидаги савол-жавобларнинг барчаси тўғридан-тўғри эфирга узатилиди. Бунда муаммо йўқ. Кўпчилик канадаликлар судларни жонли эфирда берилишига рози. Лекин у ерда аёл гувоҳларни кўп учратмайсиз. Улар судларнинг кенг оммага эфирга узатилишига қарши. Чунки, судларда кўплаб баҳсли вазиятлар бўлади ва бундай вақтда улар камера қаршисида ўзини ноқулай ҳис қилиб табиий гапира олмайди. Лекин аёл гувоҳларнинг келтирган далилларини, айтиётган гапларини эшлиши баъзилар учун муҳим. Шу сабабли ҳам бу масала бўйича ҳали-ҳануз мунозаралар давом этмоқда.

— Судьянинг руҳиятини издан чиқариб юборадиган ҳолатларда ўзини қандай тутиши керак?

— Тажрибамдан келиб-чиқиб айтаманки, дунё бўйича судьяларнинг иши оғир. Сабаби улар доимий равишда зиддиятли вазиятларни, ажрашишга келган оилалар-



ни ҳамда жиноий ишларни кўради. Бу эса уларнинг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шунингдек, бирон бир ишни кўриш бўйича белгиланган муддат бўлади. Уни шу вақт ичидаги ўрганиш ва тўғри қарор қабул қилиш судьяларга алоҳида масъулият юклайди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бунақа стресс билан қандай қилиб ишни удасидан чиқамиз? Шунинг учун судьяларга руҳий ҳолатини бошқариш бўйича бир қатор машгулотлар берамиз. Суд жараёнига доимий муомала лаёқатини йўқотмаган ҳолда кириши учун асабий ҳолатни қандай енгисхусулларини ўргатамиз.

— Ҳамкасларингизнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ҳақида?

— Бу канадалик судьялар ўртасидаги бошқа бир катта муҳокамадаги масаладир. Канадада ижтимоий тармоқдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик ҳақида ҳеч қандай қонун йўқ. Шунга қарамай ижтимоий тармоқларда жуда кам судьялар фойдаланади. Бироқ улар ҳам ўзларининг ҳолатлари, бошқа судьяларнинг кўрган ишлари, киритилаётган қонунлар ёки сиёsat ҳақида фикр билдиришмайди, агар шарҳ қолдирса ҳам ўта даражада эҳтиёткор бўлишади. Бизни ижтимоий тармоққа киришдаги чекловимиз ўзимизнинг аҳлоқий мажбуриятимиздан келиб чиқади ва бу маълум даражадаги маҳфийлик стандартини давом эттириш демақдир. Бошқа томондан судлар ҳамда инситутлар ижтимоий тармоқлардан жуда кўп фойдаланишади. Мисол учун менинг судиминг Твиттер аккаунти бор. Бу жамият билан алоқа қилиш учун жуда муҳим.

— Судьялар зўравонликка учраган кўнгли ўксик, ёлғиз аёллар ҳамда болалар билан қандай муносабатда бўлиши керак?

— Биз имкон қадар судда иштирок этадиган кўнгли ўксик аёлларнинг аҳволини



оғирлаштирумасликка, улар билан муносабатда шаънини ҳимоя қилишга ҳаракат қиласиз. Сўнгги пайтларда суд жараёнлари аёллар учун стрессли бўлиши алоҳида таъкидланиб келингати. Судьяларни тайёрлашда ҳам судга келган ҳар бир инсон билан у ким бўлмасин ҳурмат билан қарашни ва яхши муомала қилишни тавсия қиласиз. Бундан ташқари, судда иштирок этадиган аёл ва болаларга кўмак зарур бўлиб қолиши мумкин. Масалан, Канадада зўравонликка учраган аёлларга ёрдам берадиган ходимлар бор. Унинг аёл билан бирга суд жараёнларига ҳам киришига ва уни ёнида бўлишга рухсат берилади. Агар улар талаб қиласиган бўлса айбланувчи кўриши учун суд жараёни алоҳида хонада бўлишга имконият яратилади. Шу каби ва бошқа услублар суд жараёнига жабрланиб келган аёлни яна қайта унданда оғир жабрланиб қолмасликни олдини олиш учун ишлаб чиқилган. Шунингдек, институтимизда йўлдан адашган болаларни ҳаётга қайтариш учун судьяларнинг таъсирчанлигини ошириш йўлида курслар ташкил этилган. Улар ёш ва ўсмир болаларни тўгри йўлга қайтариш, психологиясини яхшилаш ҳамда болалар билан мuloқot қилиш қобилиятини ўргатади.

— Агар ота-она алимент пулини тўла- маса қандай чора кўрилади?

— Айтайлик, суд алимент тўлаш кераклиги тўғрисида қарор қабул қиласою ота-она тўламаса уларнинг ойлигидан маълум бир қисми ушланиб қолиниши ва ўша маблағ боланинг ҳисобига ўтказилиши мумкин. Шунингдек, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади ёки паспорти эскирган бўлса янгилашга рухсат берилмайди. Ишламаётган ота-оналардан алимент пули ундирилмайди, лекин бу мураккаброқ масала кўпинча ишлаётган ота-оналардан пул ундирилади.

Мисол учун мен Канаданинг ишсизлик даражаси ниҳоятда паст бўлган бир ҳудудида яшайман. У ердаги судларда шундай бир амалиёт қўлланиладики, агарда судга ёш ишсиз юрган йигит келиб мен ҳозирда иш тополмаяпман, шунинг учун алимент тўлашга имконим йўқ, деса судья бирданига гапингга ишонмайман, дейиш керак эмас. Ҳурмат билан жаноб фалончи тушунаман ҳозир вақтнинчалик қийинчиликларга учрајпиз. Келинг, уч ойдан сўнг судга яна келиб иш топдингизми ёки йўқ, шуни маълум қилсангиз дейиши лозим. Бизда маҳсус ижтимоий ёки моддий ёрдам беради. Лекин ҳали айтиб ўтганимдек, ишсизлик даражаси жуда паст бўлган ҳудудда яшайдиган бўлса суд айнан шу жойда бўлаётган бўлса ва ёш йигит судьяга келиб мана уч ой ўтди иш топмадим, деса унда яна уч ой иш қидириб келгин, деб юборишиади. Биз бу курсларда судьяларга айнан мана шундай тоифалардаги шахслар билан қандай мuloқot қилиш кераклигини ўргатамиз.

— Журналистлар билан қандай ишлайсизлар?

— Канадада бир анъана борки, бу факат судьялар ОАВ билан доимий мuloқотда бўлади. Барча судьялар журналистларга интервью беради. Бизда кўплаб судларда журналистлар билан суҳбатлашиш учун алоқа ходими бор. Буни журналистлар билади ва улар судья билан интервью ташкил қилишни исташса алоқа ходимига саволларини беради. У кейин бу саволларга ўзи ёки олий судья интервью берадими жавобини журналистга айтади.

— Бизга вакт ажратганингиз учун миннатдормиз!

— Мамнуният билан шуни айтаманки, ажойиб ўтган бир ҳафтамиз учун Судьялар олий мактаби ходимларига ҳам катта ташаккур айтамиз! Шунингдек, бизнинг иккى томонлама ҳамкорлигимиз Европада хавфислик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ваколатхонасининг ёрдами билан амалга оширилмоқда ва уларга бунинг учун миннатдорлик билдирамиз. Бу ҳамкорлигимиз келгусида янада кучайиб бориши элчи Макгрегор жаноби олийларининг шахсан ёрдами ва қўллаб-куватлаши билан амалга оширилмоқда. Биз келгусидаги ҳамкорлигимиз доирасида худди шу каби ўқув-машгулотларни Ўзбекистонда ёки Канадада ўтказишни режалаштирганимиз.

Шаҳбоз САЙДОВ тайёрлади.



Бобоқул ТОШЕВ,
Юристлар малакаси-
ни ошириш маркази
кафедра мудири, юридик
фанлар доктори.



**Гулнора
ХУДАЙБЕРДИЕВА,**
юридик фанлар номзоди,
доцент.

СУДЬЯЛАР ТАЙЁРЛАШ АМАЛИЁТИ: ЯПОНИЯ МИСОЛИДА

Бугунги кунда Японияда юристларни тайёрлаш бүйича 74 та институт ва университет мавжуд бўлиб, уларни ҳар иили 4500 га яқин талаба тамомлайди. 2004 йилда Японияда юридик кадрларни тайёрлашнинг янги тизимига ўтилди. Унга кўра барча битиравчилардан малакавий имтиҳонлар олинади. Тарабалар ўртасида бу ҳуқуқни қўлга киритиш учун ҳам муросасиз рақобат юзага келади. Синовлардан муваффақиятли ўтган битиравчилар Юристлар ассоциациясига қабул қилинади, ўта олмаганлар эса ўз-ўзидан меҳнат бозоридан чиқиб кетади. Бундан кўриниб турибдики, Японияда юрист кадрларни танлаб олишда мустаҳкам тартиб мавжуд. Бу ўз навбатида мамлакат суд тизимини мустаҳкамлаш имконини беради.

Япония суд тизими:

Олий суд, Юқори судлар, Округ судлари, Оила низолари бўйича судлар ва Интизомий судлардан ташкил топган.

Япония Олий суди вазифасига суд тизими бошқарувини амалга ошириш, конституциявий назоратни олиб бориш, жиноят ва фуқаролик ишларини кўришда олий инстанция сифатида фаолият юритиш кабилар киради. Япония Олий суди 14 нафар судьядан таркиб топган бўлиб, унга Бош судья раҳбарлик қиласи. Бош судья номзодини Вазирлар Маҳкамаси тақдим этади ва уни вазифага Император тайинлайди. Олий суд судьялари эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

Японияда 8 та Юқори судлар бўлиб, улар қўйи судлар қарорлари устидан апелляция шикоятларини кўриб чиқиш ва биринчи инстанция тартибида давлатга қарши жиноят ишларини кўриш билан шуғулланади. Бу ерда ишлар коллегиал тартибда кўрилади.

Мамлакатда қуий инстанция судлари билан 50 тадан иборат Округ судлари мавжуд. Бу судлар аксарият жиноят ва фуқаролик ишлари ҳамда интизомий судлар қа-

рорлари устидан апелляция шикоятларини кўриб чиқади. Округ судлари префектураларнинг маъмурӣ-худудий тузилишига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, суд ишлари коллегиал ёки якка тартибда кўрилади.

Оила низолари бўйича судлар ўз фаолиятини округ судлари хузурида олиб боради. Бу судлар ворислик, вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар билан боғлиқ ишлар ва бошқа ишларни кўради.

Интизомий судлар майдага ишларни кўриб ҳал этади. Бу ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилади. Юридик маълумотга эга бўлмаган шахслар ҳам мазкур судларда судьялик фаолиятини олиб боришлари мумкин. Интизомий суд судьялари вазифасига юқорида кўрсатилгандек маҳсус юридик маълумотга эга бўлмаган шахслар тайинланishi мумкин. Фақат бунда шахснинг ушбу лавозимни эгаллаши учун керакли билимларга ва амалий тажрибага эга эканлигини аниқловчи имтиҳон натижаларига эътибор қаратилади. Ҳозирги вақтда қуий инстанция суди судьяларининг ваколат муддати 10 йилни ташкил этади. Амалиётда улар ваколат муддатлари тамом бўлиши билан кўп ҳолларда яна тақроран ушбу лавозимга тайинланиши учраб туради.



Судьялик лавозимига, 10 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлган судья ёрдамчилари, прокурорлар, адвокатлар ва бошқалар тайнинланиши мумкин. Судьялик лавозимини эгаллаш, шунингдек, прокурор ёки адвокат бўлиш учун қатъий танлов қоидаларидан ўтиш лозим.

Япон университетларининг ҳукукшunoslik mutaxassisligi бўйича битирувчilari ўз mutaxassisligi бўйича amaliётda ишлашини хоҳлашса, Adliya vазирligi томонидан ҳар или ўtkaziladigan imtihonlaridan ўtiшlari kerak. Bu imtihonlariga kўyiladigan talablar murakkabligi bois faqatgina 2-3% imtihon topshiruvchilar undan muvaффакиятli ўtiшadi.

Имтихондан ўтган шахслар Олий суд ҳузуридаги ikki йиллик адлия ходимларини тайёрлаш курсларiga қабул қилинади ва bu курслarda улар nafaқat назарий bилиmlar olishadi, balki sudlarda amaliёт ўtashadi. Ushbu kurslarни tamomlab ular bitiruv imtihonlariidan ўtgač, maъlum bir ishga taininlanganlariidan keйingina ўz mehnat faoliyatlarini boшlaшlari mumkin bўлади.

Япония Олий суди uзлуксиз суд таъlimi жараёнини boшқariб boradi. Oлий суд қoшидagi Ҳукукий таъlim va ilmий tadқiqot instituti суд tizimi учун асосий ўкуv таъlim muassasasi bўlib xisoblanadi. Mазкур institutga ilmий-tadқiqotlar olib boriш ҳамда судья va юрист ёrdamchilarni tayёрлаш vазifalari юклangan.

Юридик соҳада фаолият юритishni istagan nomzodlar birinchi ўrinnda milliy aдвокатлик имтихонидан ўtiшadi, keйinchaлик esa ўkuv kurslariga жўnatiladi.

Имтихондан ўтган барча nomzodlar Oлий суд boшқaruvida va суд ҳokimiyati mablafplari xisobidan institutda amaliy hukukni kўllash bўyicha tayёrgarlikdan ўtiшadi.

Intizomga bogliq nizolap bilan shugullanuvchi судьялар ҳам ilk bor taininlan-ganidan keyin institutda ikki boskichdan iborat ўkuv dasturlariда iшtirok etisha-di.

Milliy юридik имтихондан ўtган nomzodlar xisobidan Oлий суд tomoniidan stajёрlar taininlanadi. Stajёрlar taъlim olish davrida milliy gазnaciliykdan creditillar olishi mumkin. Юридik stajirovka dan ўtgan shaхslar судья ёrdamchisi lavozimiga taininlaniшga йўл kўyiladi. Mазкур stajirovka Oлий суд ҳuzuriда faoliyat юritadigan ixtisoslashтиrilgan Marказda amalga oширилади.

Судья ёrdamchisi vазifaga taininlan-ganidan sунг янги taininlangan судья ёrdamchilari учун mўлжалланган ўkuv kursiga жўnatiladi. У erda ular судья қatnaшadi-gan aсосий munosabatlар, зарур bилиmlar va судьялик amaliёti учун lozim bўlgan kўnikmalarni ўrganiшadi. Янги lavozimlarga taininlangan судьялар boшқaruв соҳasi, kадrlarни boшқariш bўyicha seminarlarda ҳam қatnaшadiлар.

Bu birlamchi tadbirlaridan keyin institut tomoniidan судья ёrdamchilarinинг mustaqil rivojhlaniшинi kўllab-куvvatlash учун суд-хукуқ masalalariiga bafiшlan-gan seminarlar ўtkaziш давом ettiрилади. Ikki йиллик xizmati тугагач ular суд процессини boшқariш bўyicha seminarlarga жалb этилади.

Судья ёrdamchisi суд muҳokamasida судлов ҳайъati aъzosi sifatida қatnaшиши mumkin, lekin ishni якка ўzi kўrib чиқishi mumkin emas. Birok, ushu lavozimda 5 йилдан ortiq faoliyat юritган ҳamda Oлий судning mахsus ruҳsatnomasini olgan ёrdamchilar судьялар bilan bir xil vakolat-larga эга bўliшlari mumkin.

Maъlumotlarga kўra, sунгgi йillarda iliiga taxminan 1700 ga яқин судьялар bu ўkuv dasturlariда iшtirok etgan.

Юқоридагилardan kўrinib турибди-ki, Японияда суд kадrlarini tayёрлашга aloҳida эътибор қaratib kelinadi. Mala-kali суд kадrlarini tanlash va ularni ўқi-тиш ҳamda kелgusiда судьялик lavozimiga taininlash ўziga xos bўlib, uzoқ йиллик tayёrgarlikdan ўtgan shaхslarining судья bўliishi mamlakat суд tizimining mustaҳкам bўliшини таъminlashga xizmat қiladi.

ЖИНОЙ ТАЪҚИБ ФУНКЦИЯСИННИГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ



ODILLIK
MEZONI

Мамлакатимизда жиноий таъқиб функциясининг шаклланиши даврини тўрт босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади ва жиноят-процессуал ҳуқуқ асосларининг шаклланиши билан боғлиқ биринчи галдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва ўзгаришлар даври бўлиб ҳисобланади. Ушбу босқичда жиноий таъқиб функциясининг процессуал-ҳуқуқий асослари шаклланди.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг биринчилардан бўлиб, 1994 йил 22 сентябрда 2013-XII-сонли Қонун билан жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи демократик ва инсонпарвар фояларни ўзида мужассам этган янги Жиноят-процессуал кодекси қабул қилингандиги ҳамда 1995 йил 1 апрелдан эътиборан уни амалга киритилгандигини қайд этиш ўринли. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат жиноий таъқиб функциясини амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор муҳим масалалар ечимини ўзида белгилаб берди, шу жумладан, жиноий таъқибининг ҳуқуқий асослари, жиноий таъқибни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жиноий таъқиб этилаётган шахс ҳуқуқларининг кафолатлари, ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш, жиноий таъқибни тутгатишнинг демократик ва адолатли мезонлари, асосиз жиноий таъқиб этилган шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш каби масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди.

Ушбу даврда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизими ташкил этилди, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилик тизими ишлаб чиқилди, жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш бўйича институтлар фаолияти йўлга кўйилди, суд жараённада айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлашнинг таъсирчан ҳуқуқий механизmlари, суд-ҳуқуқ тизимининг конституциявий ва жиноят-процессуал кафолатлари яратилди. Хусусан, 1999 йилда гумон қилинувчи ва ҳимоячининг ҳуқуқлари доираси кенгайтирилиб, ҳимоячи эндиликда ишни назорат тартибида кўриш чогида ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шунингдек, биринчи босқичда 1996 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги ва 1998 йил 25 декабрдаги "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларининг ҳамда 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам жиноят процессида жиноий таъқибни амалга оширишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим институтлардан бири – адвокатура ва одил судлов институтининг ташкилий-ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади.

Иккинчи босқич 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади ва жиноят-процессуал соҳанинг барқарор ривожланиши, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ этилиши, мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини қамраб олади.

Ушбу босқичда ҳам бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди, хусусан, 2001 йил 29 августанда "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда, 2010 йил 1 июнда "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди, шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликка жиноий таъқиб институтини такомиллаштиришга, уни яна-да демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, иккинчи босқичда жиноят ишларини судда кўриш амалиётига тарафларнинг ярашганинги муносабати билан жиноий жавобгарлиқдан озод этиш институти киритилди; дастлабки тергов муддатини узайтириш давомийлиги қисқартирилди; дастлабки терговда қамоқда саклаш муддатлари қисқартирилди; жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатлари аниқлаштирилди; ҳабеас корпус институти жорий этилиб, қамоқча олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказил-



ди; ҳимоячининг ҳуқуқий ҳолати такомиллаштирилиб, адвокатнинг ишда иштирок этиши тартиби енгиллаштирилди; ишни судга қадар юритиш босқичда амнистия актини қўллаш тартиби та-комиллаштирилди, адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан “Гувоҳнинг адвокати” институти жорий этилди, ҳимоячининг илтимосномасига кўра, суринширувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мутахассис тушуништириш бериш учун чақирилиши мумкинлиги белгиланди, ҳимоячи ваколатлари кенгайтирилиб, у далиллар тўплаш ҳуқуқига эга бўлди.

Учинчи босқич 2011 йилдан 2016 йилга қадар бўлган муддатни ўз ичига олади ва жабрланувчининг жиноят иши юритувидаги ролини ошириш, хабеас корпус институтини кенгайтириш, жиноий таъқибни амалга оширишда инсон ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлаш каби тенденциялар билан тавсифланади.

Ушбу даврда, хусусан, жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тартиби ўзгартирилиб, ушлаб туриш ҳақида ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳукуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб ўн икки соат ичida прокурорга ёзма шаклда хабар бериши шартлиги белгиланди; хусусий айблов тартибида иш юритиш жорий этилди; жиноий таъқиб субъектларининг ҳуқуқий ҳолати такомиллаштирилди, суднинг жиноий таъқиб бўйича ваколатлари аниқлаштирилиб, судгача бўлган босқичда жиноий таъқибни амалга оширишда шахс ҳукуқларига риоя этилиши устидан назорат қилиш бўйича ваколатлари кенгайтирилди; янги эҳтиёт чораси – уй қамоги жорий этилиб, ЖПКга киритилган янги 242¹-моддада уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чорасининг мазмун-моҳияти ва уни амалга оширишнинг процессуал тартиб-таомиллари белгилаб берилди; янги жазо чораси – озодликни чеклаш жорий этилди, хусусий тадбиркорлик соҳасидаги жиноятлар учун жа-

вобгарлик такомиллаштирилди, “масъул мансабдор шахс” институти бекор қилинди ва ҳ.к.

Учинчи босқичда 2011 йил 29 сентябрда “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида” ҳамда 2012 йил 25 декабрда “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Мазкур босқичда “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да кўзда тутилган муҳим масала – суднинг жиноят ишини қўзғатишга доир ваколатлари ЖПК 321-моддасидан чиқарилди, шу билан бир қаторда ЖПК 439-моддасига ўзгартиш киритилиб, унга мувоғик биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хulosасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юлашни назарда тутадиган норма ўрнатилди.

Шунингдек, 2012 йил 5 январда қабул қилинган қонун билан ЖПКга киритилган ўзгаришлар ҳам мустақиллик йилларида жиноий таъқиб функцияси ривожланиши йўлида муҳим янгиликларни жорий этди. Хусусан, ушбу қонун асосида миллий қонунчилигимизда 9 та жиноят бўйича хусусий айблов тартибида иш юритиш тартиби жорий этилди. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги Қонуни мамлакатимизда хусусий айблов институтининг янада ривожланиши йўлидаги янги босқични бошлаб берди. Чунки, ушбу Қонунга асосан, ЎзР ЖПК 325-моддаси янги иккинчи қисм билан тўлдирилиб, эндилика, Жиноят кодексининг 167 (“Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш”), 170 (“Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш”), 172 (“Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш”), 173-моддаларида (“Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш”) назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилиши белгилаб қўйилди.

Тўртинчи босқич 2016 йилдан ҳозирги вақтга қадар бўлган жиддий суд-хукуқ ислоҳотлари даврини ўз ичига қамраб олади. Хусусан, ушбу даврда жиноят процессида фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоги тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

"Хабеас корпус" институти қўлланишини яна-да кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксламация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди. Бу ўзгартишлар инсоннинг шахсий ҳукуқ ва эркинликлари дахлизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига тўла мос келади.

Бундан ташқари, судга қамоққа олиш ёки уйқамоги тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш имконияти берилди.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечикириши бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини ошириш мақсадида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди.

ЖПКда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, судларда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимчалик талабларни жорий этиш, шунингдек, процессуал қонуччилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хulosаси, ашёвий далиллар, аудио ва видео-ёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга нисбатан тақиқ белгиланди.

Сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ушланган шахсга тегишли ваколатли органга етказилган вақтдан бошлаб етмиш икки соат ичida мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳукуқи берилди.

Далилларни йиғиш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокуратура органлари ёки суд томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий экспертиза ўтказиш орқали мажбурий текширилиши шартлiği белгиланди.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ута оғир жиноятлар бўйича), тинтуб, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни видео-ёзув воситаларидан фойдалangan ҳолда мажбурий видео қайд этиш амалга оширилиши тартиби жорий этилди.

Ҳимоячининг жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳукуқи мустаҳкамланди, улар жиноят иши материалларига кўшиб қўйилиши, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриб чиқиш вақтида мажбурий текширилиши ва баҳоланиши шарт.

Суд мухокамаси жараёнида стенография юритиладиган ҳамда унинг материаллари жиноят иши материалларига кўшиб қўйиладиган бўлди.

Тергов ҳибсоналари, вақтинча сақлаш ҳибсоналари ва маҳсус қабулхоналар, маъмурий қамоқни ўташ жойлари видеокузатув воситалари билан жиҳозланди.

Жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олишга ёки уларни фош этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг яхлит тизими жорий этилди.

Ушбу босқичда 2017 йил 6 сентябрда "Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига бир қатор муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан:

Биринчидан, жиноят ишлари бўйича суриштирувнинг ҳукуқий мақоми тубдан ислоҳ этилди, суриштирув судгача иш юритишнинг муҳим мустақил институти сифатида шаклланди.

Суриштирувчи тўплланган далилларни ишни судга ўтказиш учун етарли деб топса, айблов дадолатномаси тузиши белгиланди.

Иккинчидан, терговга қадар текширув институти жорий этилди. ЖПКга янги 320²-модда ("Терговга қадар текширув") киритилди, унга кўра, терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади.



ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Саттор АҚАНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Ғузор туманлараро суди раиси.

Ўзбекистонда судьялар тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган илмий таълим муассасаси сифатида ташкил этилган Судьялар олий мактабининг икки ойлик ўқув машғулотларида таҳсил олаётганлигимиз, келгусида судьялик фаолиятимиз давомида амалий аҳамият касб этади. Мазкур таълим даргоҳида ўқув жараёнлари етук профессор ўқитувчилар, соҳанинг жонкуяр амалиётчилари ҳамда психологлар томонидан олиб борилётганлиги қувонарли ҳол.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзолари томонидан “Судьялар одоб-ахлоқ” кодексининг мазмун-моҳиятига тўхталиб, кодекс моддаларининг моҳияти тингловчиларга тушунарли бўлиши учун бирма-бир шарҳлаб берилди. Бу эса судьяларнинг хизматда ва хизматдан ташқари вақтларда ўзларини қандай тутиши борасида кўникма ҳосил қилди.

Дикқат билан эътибор қаратадиган бўлсак, Олий мактабдаги ўқитиш Юристлар малакасини ошириш марказидаги ўқитиш жараёнидан тубдан фарқ қиласди. Яъни, бу ерда илк бор жорий этилган “Судьяни судья ўқитади” деган тамойилнинг ўзиёқ фикримизни тасдиқлади. Бундан ташқари, биз тингловчиларнинг Тошкент шаҳридаги судларда амалиёт ўташимиз учун яратилган имконият фаолиятимиз давомида дуч келган муаммоларни бартараф этишимизга ҳам қўл келмоқда.

Яқинда ташкил этилган Судьялар олий мактабининг Ахборот-ресурс маркази ва кутубхона тингловчилар учун жуда кўплаб имкониятларни яратади. Ундаги бошқа электрон ресурслар билан алоқа ўрнатиш имконияти изланиш учун қўл келади.



Учинчидан, ишни судга қадар юритишнинг умумий шартлари белгиланди. ЖПК “Ишни судга қадар юритишнинг умумий шартлари” деб номланган янги 40¹-боб билан тўлдирилиб, унда ишни судга қадар юритишнинг шакллари, терговга қадар текширув ва жиноят ишини тергов қилиш хусусиятлари белгиланди. Унга кўра, ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади.

Тўртингчидан, суриштирувнинг, дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслигини ёки жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилишларини бартараф этиш тартиби белгиланди (415¹-модда). Унга кўра, суриштирув, дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслиги ёки жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилишлари жиноят ишини кўриб чиқиш чоғида суд томонидан бартараф этилади. Судланувчига нисбатан айбловни оғирроғи билан ёки ҳақиқий ахволга кўра дастлабки айбловдан жиддий фарқ қиласди айблов билан алмаштириш учун ёки бошқа шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган тақдирда, суд суриштирув, дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслигини ёки жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилишларини ЖПК 416 ва 417-моддаларига мувофиқ бартараф этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сонли Қонуни билан киритилган тузатишларга мувофиқ, адвокатлар терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни ўтказиш ва ишни судда кўриб чиқиш чоғида ёки маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда ва бошқа ваколатли органларда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек албатта баҳоланиши лозим бўлган далилларни тўплаш ва тақдим этиш хукуқига эга бўлди. Ушбу янгилик ҳам жиноий таъқибни амалга оширишда шахс хукуқларини ҳимоя қилишини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 1679 йил 26 майда Англияда қабул қилинган “Habeas Corpus Act” дебном олган қонун инсоният тарихида ўзбошимчалик билан ҳибсга олишни чеклаган биринчи ҳужжат бўлиб, унда “ҳеч бир зот, эркин фуқаро суд карорисиз ушлаб турилиши, қамоқقا олинниши, мулкидан маҳрум қилиниши, қонундан ташқари деб эълон қилиниши, кувгин қилиниши мумкин эмас” - дейилган. Habeas Corpus Act’да белгиланган тартибига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи суд хузурига дарҳол олиб келиниши ва шахсни қамоқقا олишга суднинг розилигини олиш учун қонуний асослантирилган тегишли ҳужжатлар тақдим қилиниши керак ва бундай асослар бўлмагандан шахс “Habeas corpus” бўйргуни чиқариш йўли билан озод қилинади.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 943-модда.

БИТИМЛАР ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Қодирбек МУСАЕВ,

Ўзбекистон

Республикаси Давлат
статистика қўмитаси
Юридик бўлум бошлиги.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада битим тушунчаси, турлари, битимнинг ҳақиқий эмаслиги, битим бўйича суд амалиёти, ушибу соҳадаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар базаси ёритиб берилди.

Калит сўзлар: битим, ироди, эрк-изҳор, битим шакли, суд амалиёти, шартнома, битимнинг ҳақиқий эмаслиги.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади. (Фуқаролик Кодекси, 101-м.)

Битимнинг моҳияти субъектнинг эрк-изҳорига асосланиб, фуқаролар битим тузиш орқали моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадилар. Умумий қоидага кўра барча ҳуқуқий оқибатлар эрк-изҳори билан боғланади. Битим тузатган субъектлар иродасининг, мустаҳкамлаб қўйиш ёки тасдиқлаш амаллари битим шакллари деб аталади. Иродани қўйидагича ифодалаш мумкин:

- оғзаки;
- ёзма;
- сукут (ҳаракатсизлик);
- конклюдент ҳатти-ҳаракатларни бажариш.

Шуни айтиш лозимки, амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларида умумий қоида сифатида эрк-изҳорининг хоҳиши ирова олдидағи устуворлиги эътироф этилади. Битим субъектнинг учинчи шахсларга нисбатан ҳуқуқ-мажбуриятларни юзага келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш мақсадида амалга ошириладиган эрк-изҳордир.

Юридик соҳада битимнинг моҳиятини очиб беришда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги олимлар ўртасида турли баҳс-мунозоранинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ф.К. Савини ироданинг учта элементини танлади:

- 1) ирова;
- 2) ироданинг ифодаси; 3) ироданинг мувофиқлиги. Унинг назариясига кўра, ироданинг ифодаси бошқаларга ички иродани намоён қилишига хизмат қиласади[1].

Профессор В.А. Ойгензихтнинг таъкидлашича, “эрк шахснинг ҳатти-ҳаракати, психик, яъни руҳий тартибга солиш жараёнидан иборат”[2].

Француз ҳуқуқшуноси Буффелан-Ланор ёзишича, “иродани ифода этиш икки элементдан иборат: аклий ҳаракат ва унинг ташқарисидаги намоён бўлиши”[3] тушунилади.

Бинобарин, И.Т. Рахимовнинг таъкидлашича, “фақат шахсларнинг иродасига мувофиқ бўлган, муайян ҳуқуқий ҳаракатларни келтириб чиқаришни назарда тутиб, онгли равишда қилинган қонуний ҳаракатларгина битимлар бўлиб ҳисобланади”[4].

Аниқ ифода этилган ирода - оғзаки ёки ёзма равишда ифодаланган ирода ҳисобланади. Ирода тарафларнинг имзоси билан тасдиқланади.

Ирова психологияк тушунчадир ва ҳар қандай маънода “ирода” сўзи ишлатилган бўлса, у барча ҳолларда маълум бир психологик жараённи билдиради.

В.И.Селиванов фикрича, ирода қўйидаги маънони билдиради. Улардан бири, қийинчиликларни бартараф этиш учун ҳаракатларни сафарбар қилишдир. Барча кучли иродали намойишлар учун битта умумий белги - шахснинг ҳатти-ҳаракатлари ва фаолиятини мақсадли тартибга солиша ифодаланган қийинчиликлар билан онгли курашидир[5].

Академик А. В. Венедиков таърифлашича: “Ирода - бу шахснинг қонун ва тартиб билан тан олинган кучидир”[6].

Фикримизча, ироданинг моҳияти қўйидаги учта хусусиятини ўзида бирлашитиради:

- 1) қасдан, онгли ҳаракатлар қилиш қобилияти;
- 2) тартибга солиш бошланиши;
- 3) ҳаракатларни фаоллаштириш қобилияти; ва қўйидаги таърифларни беради:

инсоннинг ижтимоий жиҳатдан шартли психофизиологик ҳолати, онгли равишда тартибга солиши ва унинг хатти-харакатларини фаоллаштириши қобилиятида ифодаланган.

Битимда ироданинг ифодаси турли усуллар ёрдамида амалга оширилади. Бу усуллар қуйидаги турларга бўлининши мумкин:[7]

- 1) тўғридан-тўғри иродани ифодалаш, унинг мазмунини оғзаки ёки ёзма равишда етказиш орқали ички иродани ифодалайди;
- 2) иродани сукут билан ифодалashi, қонуни кучга эга бўлиши.

Кўпгина муаллифлар битим шакли ҳақида турли хил тушунчаларни беришади, баъзилари битим шаклини унинг тугашини тасдиқлаш деб белгилайди, бошқалари битим шакли баъзи ҳукукий муносабатларни бошқалардан ажратиш усули деб ҳисоблашади, яна бирлари эса битим шакли бу битим мазмунини бирлаштириш деб ҳисоблайди.

Битим ихтиёрий акт бўлиб, иккита зарур нарсани ўз ичига олади: ички (шахснинг битимни тугатиш учун субъектив нияти) ва ташқи (шахснинг ҳоҳишининг объектив ифодаси).

Битимлар оғзаки ва ёзма (нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади. Битим шакли битимни амалга оширувчи манфаатлар томонига хизмат қиласи. Битим тузишнинг ёзма шакллари тенглаштирилган шакллари мавжуд. Агар тарафлардан бири битим тузишни тасдиқловчи ва унинг шартларини акс эттирувчи ҳужжатни берса, битим тузилган ҳисобланади.

Фуқаролик ҳукуки тенг, мустақил ва бир бирига тобе бўлмаган тарафларнинг товар-пул ва бошқа турдаги муносабатларнинг тартиби солинишига хизмат қиласи. Битимлар тузиш орқали субъектлар ўзларига тегишли ижтимоий, иқтисодий неъматларни тасарруф этадилар ва бошқаларга тегишли неъматларни олиш ҳукуқига эга бўладилар. Битимлар бир тарафла-

ма, икки тарафлама ёки кўп тарафлама, текин ва ҳақ эвазига, сабабли ва мавхум, фидуциар (ишончга асосланган) ва нофидуциар (ишончга асосланмаган) бўлиши мумкин.

Битимларни мақсадига ёки тарафларнинг иродасини баён этиш усулига кўра, оғзаки ва ёзма турларга ажратиш мумкин. Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ, бир тарафнинг ҳоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади. (ФК, 102-м. 2 к.) Битимлар ҳақ эвазига ва текин турларига ҳам бўлинади. Барча битимлар казуал ва абстракт турларга фарқланади. Казуал битимда ундан қандай мақсад кўзда тутилаётгани, яъни нима сабабдан тузилаётгани кўриниб туради. Абстракт (мавхум) битимлар гўёки битим асосидан узилиб қолган ҳукуқ мажбуриятларни вужудга келтирувчи битимлардир.

Қонунда ёки томонларнинг келишувида белгиланган битим шаклини бажармаганлик ўзларининг ҳукукий моҳиятида фарқ қиласидиган оқибатларга олиб келади.

Тарафлар битимнинг тузилганлигини, мазмуни ёки бажарилганлигини бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлидирлар. Қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қиласи мунинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. (ФК, 109-м.).

Судлар шуни назарда тутишлари керакки, битимнинг тўла ёки қисман бажарилиши ёзма далиллар мавжуд бўлганда эътиборга олиниб, ҳақиқий деб топилиши мумкин. Суд низони ҳал этишда битимнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун манфаатдор томонлар тақдим этган ёзма далиллар (тасдиқланмаган шартнома, тилхат)нинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиши лозим[8].

Г.Ф. Шершеневич фикрича, ҳукукий битимни қуйидагича таърифлайди: “Ҳукукий битим номи остида муайян ҳукукий натижага, яъни ҳукукий муносабатларни ўрнатиш, ўзгартириш ёки тугатишига қаратилган ироданинг ифодаси тушунилади”[9].

Битимнинг тузилиши сабабли субъектлар учун келиб чиқадиган ҳукукий оқибатлар унинг ҳукукий натижасини ташкил этади. Масалан, мулк ҳукуқини кўлга киритиш, мажбурият бўйича талаб қилиш ҳукуқининг кредитордан учинчи шахсга ўтказилиши, вакилга тегишли ваколатларни вужудга келиши ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Е.А. Васильев таъкидлашича, шартномани икки томонлама ёки кўп томонлама битим сифатида кўриб чиқиб, у шартноманинг амал қилиш шартлари “шартномалар ҳукуки фуқаролик-ҳукукий шартномалар қонуни билан ҳимоя



қилинишини талаб қиласынан талаблар”[10] деб номлады.

Бир тарафлама битимларга нисбатан, икки ва күп тарафлама битимларга ҳақиқий ва ҳақиқий әмаслигига тегишли меъёрлар құлланилади. Икки тарафлама битим фақат ўз ҳуқуқий мақсадларини икки тарафнинг эрк-изхори мавжуд ҳолатларда ҳуқуқий натижаны вужудға келтиради.

Фуқаролик ҳуқуқи фанида битимнинг ҳақиқий әмаслиги шуны англатады, битим күринишида амалга ошириладын ҳаракат субъектлар содир бўлишини истаган фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирадиган юридик факт сифатларига эга бўлмайди, яъни битимнинг ҳақиқий әмаслиги қўйидагилар билан белгиланиши мумкин:

- а) мазмунининг ноқонунийлиги;
- б) битимнинг шаклига риоя этилмаганилиги;
- в) эрк-ирода ва эрк-ирода изхорининг ноғувофилиги;
- г) унитузувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг битим тузишига ҳақли әмаслиги.

Битим ҳақиқий әмаслигининг қонуний таърифи Фуқаролик кодексининг 113-моддаси 1-қисми нормасыда берилади, унга мувофиқ битим ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий әмас деб топғанлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишидан қатъий назар, ҳақиқий әмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим). Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ноқонуний ҳаракат бўлган ҳолда фақат қонунда ушбу ҳолат учун кўзда тутилган ҳуқукбузарликка қарши оқибатларни юзага келтиради. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаб ҳар қандай манфаатдор шахс томонидан билдирилиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббусига кўра қўллашга ҳақлидир.

“Судлар битимни ҳақиқий әмас деб топиш тушунчасини шартномани бекор қилишдан фарқлашлари лозим. Битимнинг ҳақиқий әмаслигининг шартномани бекор қилишдан фарқи қўйидагилардан иборат:

битимларни ҳақиқий әмас деб топишга ФКнинг 115 - 126-моддаларида назарда тутилган асослар бўйича ўл кўйилади, шартномани бекор қилиши асослари эса ФКнинг 382-383-моддаларида назарда тутилган;

битимнинг ҳақиқий әмаслигига унинг гайриқонунийлиги, бекор қилинишига эса шартномани бекор қилишига олиб келадиган ҳолатларнинг юзага келиши асос бўлади; бунда унинг қонунийлиги низолашмайди;



ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий әмаслиги билан боглиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий әмасдир, шартномани бекор қилиши эса, у амалда бўлган вактдаги ўзаро ҳуқук ва мажбуриятларга таъсир этмасдан, фақатгина келгусидаги ҳуқук ва мажбуриятларга дахл қиласи;

шартномани бекор қилиши ҳақидаги талабни билдиришига шартнома амал қилишининг муддати мобайнида ўл кўйилади, битим эса унинг амал қилиши муддати тугаганидан кейин ҳам ҳақиқий әмас деб топилиши мумкин”[11].

Битимни ҳақиқий әмас деб топиш тўғрисидаги талабга, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умумий даъво муддати құлланилади ҳамда даъво муддати фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ құлланилади.

ФКнинг 112-моддаси 2-қисмiga мувофиқ эса инобатга олиш шарт бўлган қатъий бир шароитларда битимнинг нотариал шакли суд қарори билан тўлдирилиши мумкин. Чунончи, агар тарафларнинг бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, бунда тузилган битимнинг қонунийлиги муҳим шарт ҳисобланади.

Битимни ҳақиқий әмас деб топиш тўғрисидаги даъво бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида суд битимнинг барча тарафлари ва бошқа манфаатдор шахсларни ишга жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

В.Б. Исаков фикрича, битимларнинг ҳақиқий әмаслигини маҳсус “нуқсонли” юридик фактлар билан баҳолади. Унинг нуқсонлилиги, унинг фикрига кўра, ижтимоий-ҳуқуқий вазиятнинг етиш-

маслигидан келиб чиқади. Шу билан бирга, у зарур белгилар йўқ бўлган нуқсонли ижтимоий ва хукуқий вазиятларни кўриб чиқади[12].

В.А. Тарховнинг таъкидлашича, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тушунчаси ўз-ўзидан мантиқан қарама-карши. Муаллиф бу ҳолатни битим ҳар доим қонуний ҳаракат билан боғлик эканлигини изоҳлади[13].

Б.К. Андреевнинг таъкидлашича: “Битимнинг ҳақиқий эмаслиги юридик оқибатларга олиб келмайди, унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлик бўлганлар бундан мустасно, битимнинг ҳақиқий эмаслиги бу хукуқбузарлик ҳолати эмаслигини таъкидлайди” [14].

Битимларга оид низоларни кўришда шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ва шартномани бекор қилиш тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим. Судлар шуни назарда тутишлари керакки, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 9-боби 113-126- моддаларида кўзда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслигини тартибга соловчи нормаларда баён этилган асослар бўйича шартномаларни ҳақиқий эмас деб топилишига йўл кўйилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 114-моддаси 1-қисмiga мувофиқ ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлик бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларни вужудга келтирмайди ва у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Шартномани бекор қилиш эса тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномани ва унинг оқибатида вужудга келган тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятларини келгусида бекор қилишга қаратилган ҳаракатидир[15].

Республикамида бир қанча олимлар томонидан ҳимоя қилинган диссертация ишларида битимларга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, И.Т. Рахимов[16], М.Э. Бобоҷонов[17], X.Х. Кулдашев[18] ўзларининг илмий ишларида битимнинг айрим жиҳатларини тадқиқ қилган. Ушбу сабабдан ҳозирда мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлардан келиб чиқиб, битим институтини алоҳида тадқиқот обьекти сифатида монографик тарзда чуқур ўрганишни тақозо этади.

Шундай қилиб, битим институтини тадқиқ қилиш - битим соҳасидаги қонунчиликнинг самарали ишлашига ҳамда соҳа амалиётига тадбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, битим фуқаролик-хукуқий тартибга солиш усулининг диспозитивлиги сабабли фуқаролик хукуқ ва мажбуриятларини юзага келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи асосий юридик фактлар бўлиб, икки ёки уч ва ундан ортиқ тарафнинг келишилган иродасини акс эттирувчи ҳужжат ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар:

- Система римского права. Т. III, С. 3 / Цит. по: Гримм Д.Д. Основы учения о юридической сделке в современной немецкой доктрине пандектного права. Пролегомены к общей теории гражданского права. Т. I. СПб., 1900. С. 1.
- Ойгензихт В.А. Воля и волеизъявление: Очерки теории, философии и психологии права. - Душанбе, 1983. -С.24
- Buffelen-Lanore Y. Droit civil: Deuxieme anee. - 7 ed. - Paris: Armand Colin, 2000, 660 р.
- Рахимов И.Т. Бозор иқтисодиёти шароитида битимлар, уларнинг моҳияти турлари, шакллари ва расмийлаштириш тартиби: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. -Тошкент: Ўз ФА Фалсафа ва хукуқ институти, 2000. – Б. 21.
- Селиванов В. И. Психология волевой активности. Рязань, 1974. С. 39.
- Венедиктов А. В. Государственная социалистическая собственность. М., 1948. С. 36.
- Красавчиков О. А. Теория юридических фактов в гражданском праве: Автореф. дис. ...юрид. наук. Свердловск, 1950. С. 145.
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 сентябрь “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 16-сон қарори.
- Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. – М.: Изд-во «Статут», 2005. – 508 с.
- Гражданское и торговое право зарубежных государств/учебник: в 2 т.Т.1 / отв. Ред. Е.А.Васильев, А.С.Комаров. 4-е изд., переб. И доп. М.: Международные отношения, 2008. 560 с.
- Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 269-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: <http://lex.uz/docs/2535141#2535931>
- Исаков В.Б. Юридические факты в советском праве. М. : Наука, 1984. С.54.
- Тархов В.А. Гражданское право : учебник. Чебоксары : Чув. кн. изд-во, 1997. С. 223.
- Андреев В.К. Сделка и ее недействительность // Юрист. 2014. № 1. С. 12
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2006 йил 22 декабрь “Суд амалиётида битимларни тартибга соловчи қонунчилиги нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 17-сон қарори.
- Рахимов И.Т. Бозор иқтисодиёти шароитида битимлар, уларнинг моҳияти турлари, шакллари ва расмийлаштириш тартиби: Юрид. фан. номз. ... дис. - Т. 2000.
- Бобоҷонов М.Э. Қимматли қоғозлар воситасида тузиладиган репо битимларин кўллашнинг фуқаролик-хукуқий таъминлаш масалалари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ТДЮ, 2018.
- Кулдашев X.Х. Биржа битимлари хукукий асосларини тақомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ТДЮИ, 2011.

НИЗОМУЛМУЛКНИНГ ҚОЗИЛАР ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Низомулмулк асрлар оша одамларнинг адолатпарварлик руҳида тарбиялашга ва ҳақиқат ўюлида қатъий туришга хизмат қилиб келаётган “Сиёсатнома” асарининг муаллифи дир. Асар мавзулари кенг ва бой мазмунга эга бўлиб, унда қози ва қозихона ишлари ҳақида ҳам фикрлар баён этилган. Аҳамиятлиси, асарда қозилик мансабида ўтирган кишилар ҳақида кўплаб ибратли маслаҳат ва қоидалар ёзилган. Асарда айтилишича, мамлакат қозилик мансабида бўлган инсонларнинг аҳволини тўла-тўқис билиши зарур, улардан қайсилари олиму зоҳид, камбагал, аммо камтама бўлса тарбия қилиб, шулар билан иш юритиш керак. Агарда шундай бўлмаса уларни ишдан олиб, ўринларига бошқа лойиқ кишиларни қўядилар.

Чиндан ҳам қозилик мартабасидаги киши таъмасиз, кўзи тўқ, маърифатли, диёнатли, маънавияти ва маърифати ноқис бўлган киши адолатли қози бўлиб ишлаши қийин иш бўлиб, бундай кишида адолат ва ҳақиқат бўлмайди. Низомулмулкнинг ўтиришича, таъмагир, маърифат ва маънавиятсиз, билимсиз, одамийлик фазилатларига эга бўлмаган кишилар қозилик мансабида ишлаётган бўлса, уларни лавозимидан озод қилиб, ўрнига муносиб кишиларни тайинлаш зарур. Зотан, оқил, адолатли, билимли, маърифатли қозилардан мамлакат ва одамлар манфаатдордир.

Таъкидлаш зарурки, “Сиёсатнома” асарида давлат томонидан қозиларнинг ҳар бирига зарур даражада иш ҳақи (маош) берилиши баён қилиниб, оқибатда қозиларнинг хиёнат қилишларига ҳожат қолмаслиги кераклиги қайд этилган. Чунки қозилик вазифаси жуда ҳам нозик иш бўлиб, улар мусулмонларнинг яхши ва ёмонликлари устидан ҳукм чиқардилар.

Асардаги яна бир диққатга лойиқ жиҳат шундаки, унда қозилик амалини жоҳил ва нопок кишиларга ишониб бўлмаслиги, фақат пок, адолатли, диёнатли кишиларга қозилик мансабини бериш кераклиги таъкидланган.

Низомулмулкнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиқсан ҳолда айтиш лозимки, қозилик мансабининг юки оғир, масъулияти жуда катта бўлиб, бу вазифани ҳамма ҳам рисоладагидай, ҳалол, виждан ва пок бажара олмайди.

Асарда агар бирор бир қози жаҳл устида ва зулм билан ҳукм чиқарса, бу ҳақда подшоҳга маълум қилиб, уни қозилик вазифасидан озод қилиб,

жазолаш кераклиги баён қилинган. Зоро, қози жаҳл отига миниб, одамларга зулм қиласидан ҳукм чиқарса, бундан ҳалқ (Раият) жабр кўради.

“Сиёсатнома” асарида қайд этилганидек, агарда бирор киши шариат ҳокими мажлисига боришни истамаса, уни мажбуран олиб келиш керак, чунки ҳақиқат аён бўлиши ва ҳеч ким ҳукмдан бош тортмаслиги шарт.


Низомулмулкнинг яна бир фикри эътиборга сазовордир. Бу фоя шундан иборатки, ҳамма қозилар подшоҳнинг ноиби, подшоҳ мамлакат қозиларини кудратли ҳолда сақлаб, уларнинг ҳурмати-ю мартабаларини кўтариши зарур.

Академик Азиз Қаюмовнинг эътироф этишича, “Сиёсатнома” жамият ҳаётининг турли жиҳатлари учун ибрат ва намуна бўладиган воқеалар тўғрисида ҳикоя қиласи. Ундан оқилона ва фойдали хулоса чиқарган ҳолда, ўйтлар беради. Асардаги панду насиҳатли якунлар подшоҳлардан тортиб гуломларгача даҳлдордир. Асар муаллифи жамият аъзоларини садоқат, ҳаққоният, адолат йўлида қойим турмоги дейди, ақл ва жасорат билан иш тутмоқ йўлларини кўрсатади.

Низомулмулкнинг фикрича, адолат ва саховат, хайр-садақадан, муҳтоҷ, ночор, ноилож кишиларга ёрдам беришдан, бева-бечоралар, майиб ногиронларга хазинадан нафақа ажратишдан ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдан иборатдир. У адолат ҳақида шундай деб айтган: “Одам алайхиссалом замонидан бери то ҳозиргacha дунёда ҳар миллат ва мулкларда адолат қилиб келинган, инсоф бериб тўғри иш тутилган ҳоллар кўп. Шундан уларнинг мулку давлатлари узоқ йиллар обод бўлиб турган”.

Хулоса ўрнида айтамизки, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари ҳар бир кишини ҳаётда адолатли бўлишга, адолат ва ҳақиқатни муқаддас деб билиб яшаш ва ишлашга ўргатадиган қимматли манбадир.

Луқмон АСАТОВ тайёрлади.





Олимжон ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси мустақил
изланувчиси.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҶАРШИ КУРАШНИНГ ҲАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Жисмоний ва юридик шахслар яширин даромад олиш, солиқ ва бож тўловларидан бўйин товлаш интеллектуал мулк объекти (асарлари)дан ноқонуний фойдаланиши натижасида катта даромад олиш мақсадида турли ҳуқуқбузарликлар келиб чиқиши мумкин. Интеллектуал мулк ҳуқуқи тўғрисидаги миллий қонунчилик талабларини бажармайдиган жисмоний ва юридик шахслар бу ҳуқуқларни бузувчилар, деб тан олинади.

Маълумки, интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарликлар асосан фуқаролик қонунчилигига ва ҳалқаро актларда белгиланган фуқаролик ҳамда ҳалқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормаларни бузиш натижасида келиб чиқади. Қонунда интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилишининг ҳуқуқий тушунчалари берилган.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, унинг келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этишда турли ҳуқуқий восита ва шакллардан фойдаланилади. Масалан, К.Шмиттгофф интеллектуал мулк ҳуқуқининг эгаси (муаллиф ёки ҳуқуқ эгаси) лицензия шартномасини расмийлаштириш орқали, ўзига тегишли бўлган мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқини хорижий мамлакатда ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлади, деб таъкидлайди¹.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликни четлаб ўтиб, даромад олиш мақсадида ҳуқуқ әгаларига моддий ва маънавий зарар етказиш, айниқса, хорижий субъектлар ҳуқуқларини республикамиз худудида поймол этиш ҳалқаро ҳамжамият дикқат-эътиборида турибди. Бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқига оид ҳалқаро ҳуқуқбузарлик давлат ва ҳалқаро ташкилотларни ташвишга солиб келмоқда.

Ҳалқаро доирада фаолият юритиб келаётган корпорация ва марказлар турли кўринишдаги ҳисобот ва маърузаларини эълон қилиш орқали бу масалага жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, Интеллектуал мулк ҳалқаро альянси (МАИС) шундай ташкилот ҳисобланади ва ўзининг таркибига 130 дан ортиқ интеллектуал объектлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган йирик ташкилот ва компанияларни бирлаштирган ҳалқаро нодавлат ташкилотдир.

МАИС ўтказган тадқиқотларга мурожаат қиласидан бўлсак, МДХ давлатларида (Россиядан ташқари) ЭҲМ дастурлари бўйича ҳуқуқбузарлик оқибатида биргина 1998 йилда 34,1 миллион АҚШ доллари миқдорида ички савдога зарар келтирган, ҳуқуқбузарлик 93 фоизга етган.

МАИС томонидан 2000 йилда соҳадаги ахвол ўрганилганда қароқчилик йўли билан контрафакт асарлар ва фонограммалар ишлаб чиқариш авжига чиққани аниқланган. МАИС тадқиқотида 50 дан ортиқ йирик компаниялар қатнашган. Фақатгина овоз ёзиш саноатида рухсатсиз компакт диск





ва кассеталар ишлаб чиқариш натижасида 1999 йилда 25 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий компанияларга заар келтирилген. Мусиқа соҳасида МДҲ мамлакатларига нисбатан қароқчилик 90 % га етган. ЭҲМ учун дастурларни қароқчилик йўли билан ишлаб чиқариш Россия Федерациясидан бошқа МДҲнинг барча мамлакатларида 34,1 млн АҚШ долларини ташкил этган, бу 1998 йилга нисбатан 93% қароқчиликни ташкил этган².

Г.Худайбердиеванинг таъкидлашича, биргина компьютер таъминоти ишлаб чиқарувчилари Ассоциациясининг таҳлилига кўра қароқчилик маҳсулотлари Хитойда 96%, Болгарияда 93%, Россияда 89%, Германияда 35%, АҚШда 27% ни ташкил этади. Бу кўрсатгични турдош ҳуқуқлар соҳасидаги объектларга (аудио ва видео маҳсулотлари)га нисбатан ҳам тадбиқ этиш мумкин. Чунки, интеллектуал мулк ҳуқуқининг турли обьектлари даромад манбаи ҳисобланар экан, у албатта ҳуқуқбузар (қароқчи)ларнинг дикқат-эътиборида туради. Бундан кўриниб турибдики, ҳатто ривожланган ва демократик тамойиллар кенг сингдирилган мамлакатларда ҳам турдош ҳуқуқлар ҳимоясига катта эътибор қаратиласди. Қатор ҳалқаро ташкилотлар эса ўзларининг ҳуқуқий актларида бу соҳадаги муносабатлар, хусусан, жавобгарлик масаласига жиддий эътибор қаратган³.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг ҳисоботига қараганда контрафакт нусхаларнинг бозорда эркин айланishi натижасида йилига 100 млрд. АҚШ долларидан ортиқ моддий заар келмоқда⁴. 2000 йил январь ойида Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш коалицияси (CIPR) Россия Федерацияси аудио-видео, ЭҲМ дастурлари ва бошқа обьектларни ишлаб чиқарувчи 50 та компания раҳбарлари ўртасида сўров ўтказган. Сўровда қатнашган-

лардан Россия Федарациясида улар ишлаб чиқарган обьектларнинг неча фоизи қалбаки деган саволга 8 фоизи бундай муаммога дуч келишмагани, 28 фоизининг айтишича бозордаги товарларнинг 10 фоизига яқини қонунсиз кўпайтириб сотилаётган товарлар эканлиги, қолган сўралганлар эса 25 фоиздан ортиқ товар қароқчилик йўли билан қонунсиз кўпайтириб сотилаётган товарлар эканлигини билдиришган⁵.

Интеллектуал мулк бўйича ҳалқаро альянс (МАИС)нинг ҳисоботига кўра 1999 та овоз ёзиш студиялари Ўзбекистон худудида республика савдосига 25 миллион сўмлик моддий заар етказган. Бу МДҲ давлатларидаги кўрсатгичдан ҳам юқоридир. Мусиқа соҳасидаги қароқчилик эса 90 фоизга тенг бўлган, яъни бозорда муомалада бўлган аудио-видео маҳсулотларининг 10 фоизига яқини муаллифлар ёки ижрочилар ёхуд уларнинг меросхўрлари рухсати (лицензия) асосида тайёрланган⁶.

Қароқчилик муаммосининг жиддийлиги, у билан курашиш учун ҳар бир давлат мавжуд ҳуқуқий чораларни кўриши лозимлиги ҳақида МАИСнинг қуидидаги хulosалири далолат беради. Унга кўра, қароқчилик оқибатида АҚШда 1993 йилдаги савдо зарари 7096,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. Сўнгги йилларда қатор давлатларда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, муаллифлик ҳуқуки ҳимояси билан боғлиқ фаолият ялпи миллий маҳсулотнинг 3-5 фоизини ташкил этади. Бу миқдор саноатнинг алоҳида соҳалар йигиндисига teng, баъзида эса ундан ҳам ошади. Адабий ва бадиий асарларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш фаолияти доимий иқтисодий муносабатлар доирасидан чиқиб кетади. Бу эса жамият ривожи учун зарур ва унинг маданий тараққиётининг асосини ташкил этади⁷.

Муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ ҳуқуқбузарлікклар дүнё жамоатчилігі назаріда бўлиб, давлатлар ўз ҳудудларидаги муаллифлик ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарліккларни камайтириш ва уларга қарши курашнинг турли восита ва усувларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқда.

Юридик адабиётларда интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик ҳуқуқида ҳуқуқбузарлікнинг бир неча тури мавжудлиги таъкидланади. Бу ҳуқук эгаси билан шартнома тұзмagan ҳолда асардан фойдаланиш бўлиб унга кўра муаллифлик шартномасида назарда тутилмаган усулда ёки бундай шартноманинг амал қилиши тўхтаганидан кейин асардан фойдаланиш шартнома тұzmagan ҳолда фойдаланиш, деб ҳисобланади. Бундай ҳолда ҳуқук эгаси қоидабузардан куйидагиларни талаб қилишга ҳақли: ҳуқуқни тан олиш; ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш; олинмай қолган фойда билан бирга келтирган зарарни қоплаш; ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгаришиш.

Муаллифлик ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарліккларга қарши курашни кучайтириш, муаллифлик ҳуқуқи обьектларининг халқаро савdosини амалга оширишда халқаро қароқчиликни камайтиришда Европа Иттифоқи мамлакатларининг тажрибаси ва амалиётидан республикамизда кенг фойдаланиш яхши самара бериши мумкин.

Европа Иттифоқининг ижрочи органи сифатида Европа комиссияси Европа Иттифоқи Министрлар кенгаши ва Европа парламенти тавсиясига кўра унинг

аъзо-давлатлари учун икки йўналишда тавсиялар ишлаб чиқсан:

биринчидан, аъзо-давлатлар

Бернъ ва Рим конвенциясининг сўнгги таҳрирларига қўшилиш;

иккинчидан, ахборот алмашинувини янада кенгайтириб бориши.

Бу йўлда Европа Иттифоқи икки мұхим қоидага алоҳида эътибор беришни талаб этади:

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қоидалар;

қалбакилаштирилган обьектларга нисбатан божхона режимини қўллаш қоидалари.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик Битимининг амалга оширилишида «Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқининг ҳимоя қилинишининг ахволи» тўғрисидаги ҳисботида республикамизда 2001 йилда интеллектуал мулк обьектларини ишлаб чиқариш ва айирбошлишдаги ҳуқуқбузарлікклар, уларнинг салбий натижалари, яширин йўл билан олинган даромадлар манбалари каби маълумотлар эълон қилинди. Ҳисботга кўра қонунсиз равишда ишлаб чиқарилаётган ва бозорда сотилаётган бир дона аудиокассета 900-1350 сўм, видеокассета 2500-3000 сўм (лицензияланган Россия Федерацияси кассеталари 10000 сўм), хорижий ижрочилар компакт-дисклари 4000-4500 сўм (лицензияланган россиялик ижрочилар компакт-дисклари 4000-4500 сўм, ўзбекистонлик лицензияланган компакт-дисклар 7000-8500 сўм), DVD (лицензияланган) 25000-35000 сўмни ташкил этади⁸. Бундан кўриниб турибидики, бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва савдоши билан шуғулланувчилар лицензияланмаган маҳсулотларни айирбошлиш натижасида катта даромадлар олиш йўлига ўтиб олганлар. Олинган даромадлардан эса ҳуқуқ эгаларига деярли ҳеч қандай ҳақ тўланмайди.

Европа Иттифоқи мамлакатларида янги асрда ахборот технологиялари билан боғлиқ муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг ривожланиши тенденцияларини анча вақт олдин россиялик олимлар айтиб ўтишган эди⁹. Республикализнинг халқаро савдо тизимида кириши ва янги технологиялар билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий сиёсат юритишида ривожланган мамлакатларнинг босиб ўтган йўлини таҳлил қилиш орқали, кейинги қадамларни белгилаб олиш мумкин.

Россия Федерацияси, Тоҷикистон, Қоғозистон Республикалари қонунчилигига муаллифлик ҳуқуқида асар ва фонограмма-



ларнинг муаллифлик ва турдош хукуқларни бузиш оқибатида тайёрланган ва тарқатилган нусхалари соҳталашибирлигандан (контрафакт) нусхалар деб эътироф этилади.

Соҳталашибирлигандан нусхалар деганда шундай асар ва фонограммалар ёки кўриклиниши тўхтатилган давлатлардан муаллифлик ва турдош хукуқлар эгаларининг розилигисиз республикада кўпайтирилган асар ва фонограмма нусхалари тушунилади.

